

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки марказий
аппарати ва ҳудудий бош бошқармаларидаги бўш
иш ўринларини бутлаш мақсадида ташкил этиладиган
танловнинг суҳбат босқичида бериладиган саволлар
РЎЙХАТИ**

Амалиёт департаменти	
1.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вазифаларига нималар киради?
2.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қандай фаолият турлари билан шуғулланиш тақиқланган?
3.	«Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича валюта қимматликларининг таърифи?
4.	Ўзбекистон Республикасида қайси идора валютани назорат қилувчи давлат органи ҳисобланади?
5.	Марказий банк валюта операцияларини амалга оширишга доир чекловларни қандай ҳолатларда жорий этади?
6.	Банклараро вакиллик муносабатлар нима мақсадда ўрнатилади?
7.	Вакиллик ҳисобварағи орқали қайси операциялар амалга оширилади?
8.	«Ностро» ва «Лоро» ҳисобварағи деганда нимани тушунади?
9.	Вакиллик ҳисобварағи орқали қайси операциялар амалга оширилади?
10.	Банклараро вакиллик муносабатларида комплаенс талаблари қайси мақсадга хизмат қилади?
11.	Вакиллик муносабатлари ўрнатилишида «дуэ дилигенсэ» нимани англатади?
12.	СВИФТ тизимини тўлиқ акс эттирадиган таърифи?
13.	Халқаро тўлов тизимлари орқали вакиллик муносабатлари доирасида хабар алмашиш қайси тизим орқали амалга оширилади?
14.	Халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган ҳужжатлаштирилган тўлов турларини кўрсатинг?
15.	Қуйидаги тўлов турларидан қайсилари халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий шакллари бўлиб ҳисобланади?
16.	Қандай валюта операцияларини биласиз?
17.	Ички валюта бозоридаги чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш операциялар қайси курс бўйича амалга оширилади?
18.	Молия вазирлиги билан келишилган шартлар асосида фаолият юритиб, қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва давлат бошқаруви органларининг фискал агенти сифатида Марказий банк қандай ишларни бажариши мумкин?
19.	Марказий банкнинг «Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»сига (08.02.2023й. 3420-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) мувофиқ, банк ҳисобварағини очиш банк томонидан қайси ҳужжат асосида амалга оширилади?
Ахборот технологиялари департаменти	
1.	REST API лойиҳалашда синхрон ва асинхрон интеграциянинг фарқи нима ва улар қайси ҳолатларда қўлланилади?
2.	Икки тизим ўртасида маълумот алмашиш учун JSON ва XML форматларини солиштиринг. Қайси ҳолатда қайси бирини танлаган маъкул?

3.	Ички ва ташқи тизимлар интеграциясида "Idempotency" (Идемпотентлик) тушунчаси нима ва у нима учун муҳим?
4.	FastAPI фреймворкида маълумотларни валидация қилиш ва сериализация қилиш қандай амалга оширилади?
5.	Интеграцион ечим учун "Тест сценарийси" (Тест Case) нималарни ўз ичига олиши керак?
6.	Интеграцион ечимнинг "Техник паспорти" ва "Фойдаланувчи қўлланмаси" ўртасидаги асосий фарқ нима?
7.	Ўз ДСт 1985:2018 стандарти нима ва у қайси турдаги тизимларни яратишда мажбурий ҳисобланади?
8.	Ўз ДСт 1985:2018 стандартига мувофиқ Техник топшириқ (ТЕХНИК ТОПШИРИҚ) қайси асосий бўлимлардан ташкил топиши керак?
9.	ТТнинг "Тизимга қўйиладиган талаблар" бўлимида қандай кичик бўлимлар бўлиши шарт ва улар нимани англатади?
10.	Ўз ДСт 1985:2018 бўйича ТТда "Тизимни қабул қилиш ва назорат қилиш тартиби" бўлими нима учун керак ва у ерда нималар ёзилади?
11.	ТТни ишлаб чиқишда "Маълумотлар хавфсизлиги талаблари"да Ўзбекистон қонунчилиги бўйича қайси муҳим қонун ва меъёрларга риоя қилиниши керак?
12.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат (масалан, Вазирлар Маҳкамаси Қарори) лойиҳасини ўрганишда ИТ мутахассиси нималарга алоҳида эътибор қаратиши керак?
13.	Мавжуд меъёрий ҳужжат (масалан, вазирлик Низоми) асосида тизимнинг функционал талабларини шакллантириш жараёни қандай кечади?
14.	Тизим ишлаб чиқилиб, фойдаланишга топширилгандан сўнг қандай ички ҳужжатлар расмийлаштирилиши шарт?
15.	API интеграция жараёнида "Рад этиш регламенти" (SLA — Service Level Agreement) техник ҳужжатларда қандай акс эттирилади?
16.	Трансформер архитектураси: "Self-attention" механизми қандай ишлайди ва нима учун у RNN ёки CNN моделлари билан солиштирганда кетма-кет маълумотларни (матнларни) қайта ишлашда самаралироқ?
17.	Fine-tuning стратегияси: Тайёр LLM (масалан, Llama3 ёки Mistral) моделини маълум бир соҳа терминологиясига мослаштириш учун LoRA ёки QLoRA усуллари қўллашнинг афзаллиги нимада?
18.	Imbalanced Data: Банк скоринги каби лойиҳаларда "фирибгарлик" (фрод) ҳолатлари жуда кам учрайди (маълумотлар баланси бузилган). Бундай вазиятда моделни ўқитиш учун SMOTE усули ёки Loss-functionга вазн беришдан ташқари яна қандай ёндашувларни биласиз?
19.	Feature Engineering: Моделнинг аниқлигини ошириш учун "Feature selection" (белгиларни танлаш) жараёнида қайси математик усуллардан (масалан, Mutual Information, SHAP values) фойдаланишни афзал кўрасиз ва нима учун?
20.	Метрикалар танлови: Нима учун банк тизимидаги хавфни баҳолашда шунчаки "Ассигасу" (аниқлик) етарли эмас? Қайси

	ҳолатда биз "Recall"ни, қайси ҳолатда "Precision"ни биринчи ўринга қўйишимиз керак?
21.	A/B Testing: Янги ишлаб чиқилган AI моделининг самарадорлигини реал фойдаланувчиларда текшириш учун A/B тестларни қандай ташкил қиласиз ва "Statistical Significance" (статистик аҳамиятлилик) қандай аниқланади?
22.	Overfitting vs Underfitting: Модель ўқув маълумотларида 99% натижа бериб, тест маълумотларида 70% натижа берса, муаммони ҳал қилиш учун қандай қадамларни амалга оширасиз? Регуляризация (L1, L2) қандай ёрдам беради?
23.	Gradient Descent: Stochastic Gradient Descent (SGD) ва Адам оптимизаторларининг асосий фарқи нимада? Қайси ҳолатда Адам моделнинг локал минимумга тушиб қолишини олдини олади?
24.	RAG (Retrieval-Augmented Generation): LLM моделлари "ҳаллусинация" (нотўғри маълумот тўқиш) қилмаслиги учун RAG тизимини қандай қурасиз? Векторли маълумотлар базаси (масалан, Pinecone ёки ChromaDB) бу ерда қандай роль ўйнайди?
25.	Model Deployment: Моделни API кўринишида хизматга туширишда (Доскер ёрдамида) кечикишни (latency) камайтириш учун қандай оптимизацияларни амалга ошириш мумкин?
26.	Embeddings: Матнларни вектор кўринишига ўтказишда Word2Vec ва BERT каби замонавий эмбеддинг моделларининг фарқи нимада? BERT қандай қилиб сўзнинг контекстдаги маъносини тушунади?
27.	OCR технологиялари: Банк ҳужжатларини (паспорт, ариза) сканер қилишда қўлланиладиган OCR тизимларида хатоликларни камайтириш учун пост-процессинг (кейинги ишлов) босқичида қандай AI усулларини қўллаш мумкин?
28.	Градиент Боостинг: XGBoost yoki LightGBM каби "Ensemble" моделлари қандай ишлайди? Нима учун улар жадвал кўринишидаги маълумотларда (табулар дата) нейрон тармоқларидан кўра яхшироқ натижа беради?
29.	Explainable AI (XAI): "Black box" моделлари (масалан, Deep Learning) қабул қилган қарорни бизнес эгаларига тушунтириб бериш учун LIME ёки SHAP каби кутубхоналардан қандай фойдаланасиз?
30.	Multimodal AI: Матн, тасвир ва аудио маълумотларини бир вақтда қайта ишлай оладиган тизим яратишда асосий қийинчиликлар нимадан иборат деб ўйлайсиз?
31.	Техник топшириқ (Техник топшириқ) нима?
32.	Техник топшириқ нима учун керак бўлади?
33.	Яхши ёзилган техник топшириқ қандай бўлиши керак?
34.	Техник топшириқ таркибида қандай бўлимлар бўлиши керак?
35.	Функционал рекуиремент қандай ёзилади?
36.	Нон-функционал рекуирементга мисол келтиринг.
37.	Рекуирементларни йиғишда кимлар билан гаплашилади?

38.	Бизнес рекуиремент ва техник рекуиремент орасидаги фарқ нима?
39.	Агар мижоз рекуирементни аниқ тушунтирмаса нима қиласиз?
40.	Техник топшириқ ёзишда энг кўп учрайдиган хатолар қайсилар?
41.	Усер сторй нима?
42.	Усе сасе нима ва қачон ишлатилади?
43.	API интеграцияси учун техник топшириқда нималар кўрсатилиши керак?
44.	HTTP метҳодлари (GET, POST) техник топшириқда қандай тасвирланади?
45.	API респонсе ва рекуэст мисоллари нима учун ёзилади?
46.	Error ҳолатлар техник топшириқда қандай кўрсатилади?
47.	Acceptance критерии нима?
48.	Диаграммалар (BPMN, UML) техник топшириқда нима учун ишлатилади?
49.	Тизим интеграцияси учун қандай маълумотлар керак бўлади?
50.	Requirement change бўлса сйстем аналйст нима қилиши керак?

Ички аудит департаменти

1.	Ички аудитнинг асосий мақсади нима?
2.	Ички аудит ва ташқи аудит ўртасидаги фарқ нимада?
3.	Аудит олами тушунчаси нимани англатади?
4.	Ўзбекистонда ички аудит фаолиятини тартибга солувчи асосий қонун ва норматив ҳужжатлар қайсилар?
5.	Аудиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига нималар киради?
6.	Молиявий назорат ва ички аудит ўртасидаги фарқ нимада?
7.	Хатарга асосланган аудит ёндашуви нима ва у қандай қўлланилади?
8.	Анъанавий ва хатарга асосланган аудит ёндашуви бир-биридан қандай фарқланади?
9.	Манфаатлар тўқнашуви юзага келганда аудитор қандай йўл тутиши керак?
10.	Ички аудитнинг халқаро стандартларида ички аудит фаолиятининг қандай асосий тамойиллари келтирилган?
11.	Ташкилотда ички аудит хизмати фаолияти ким томонидан бошқарилиши керак?
12.	Ички аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ички аудит фаолиятида қандай одоб-ахлоқ қоидалари қўлланилади?

13.	Аудит танланмаси нимани англатади ва аудит танланмасини шакллантиришнинг қандай усуллари мавжуд?
14.	Ички аудит тадбири ўз ичига қандай босқичларни олади?
15.	Ички назорат тизими деганда нимани тушунаси?
16.	«Уч чизиқли ҳимоя тизими» нимани англатади?
17.	ИТ-аудит тушунчаси нимани англатади?
18.	ИТ-аудит объектларига нималар киради?
19.	Ахборот хавфсизлиги тушунчаси нимани англатади?
20.	Ахборот-коммуникация технологиялари хатари нима?
21.	Ахборот хавфсизлиги хатари нима?
22.	Ахборот тизими узлуксизлиги нима?
23.	Имтиёзли кириш ҳуқуқига эга тизим фойдаланувчиларига кимлар киради?
24.	ИТ-аудит соҳасидаги энг кенг тарқалган халқаро стандартларни биласизми?
25.	Захиралаш (баскуп) ва қайта тиклаш (ресоверй) жараёнларини қандай аудитдан ўтказасиз?
26.	Кириш ҳуқуқларини бошқариш жараёнлари қандай аудитдан ўтказилади?
27.	«Хатар» тушунчаси нимани англатади?
28.	«Қолдиқ хатар» (ресидуал риск) ва «хос хатар» (инхерент риск) тушунчаларининг фарқини тушунтириб беринг.
29.	Хатарларни бошқариш хизмати асосий вазифаларига нималар киради?
30.	Хатарларни аниқлашнинг энг самарали усули қайси?
31.	Хатарларни бошқариш жараёни қандай босқичларни ўз ичига олади?
32.	Операцион хатар нима? Мисоллар келтиринг.
33.	Репутацион хатар нима? Мисоллар келтиринг.
34.	Молиявий хатар нима? Мисоллар келтиринг.
35.	Хатарлар мониторинги қандай ташкил қилинади?
36.	Хатар аппетити тушунчаси нимани англатади?
37.	Хатарларни нотўғри баҳолаш қандай оқибатларга олиб келади?
38.	Ташкилотда Хатарларни бошқариш хизмати фаолияти ким томонидан бошқарилиши керак?

Марказий банк «СЭРТ-СБУ» киберхавфсизлик маркази

1.	«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Марказий банкнинг ваколатларига нималар киради?
2.	«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Марказий банкнинг вазифаларига нималар киради?
3.	«Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Марказий банкнинг ваколатларига нималар киради?
4.	Тўлов хизматларини етказиб берувчи тўлов хизматларини кўрсатишда қайси шартларни бажариши лозим?
5.	Тўлов тизимлари операторлари банкоматларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун қандай чораларни қўллайди?
6.	Банк тизимида шубҳали транзакцияларни аниқлаш учун қайси тизим қўлланилади?
7.	Ахборот хавфсизлиги нохуш ҳодисаси деб нимага айтилади?
8.	Киберхавфсизлик нима?
9.	Банк тизимларида энг кўп учрайдиган киберхавф тури қайси?
10.	«Антифрод тизими» деб нимага айтилади?
11.	«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ банк сири нима?
12.	Банк сири қайси ҳолларда ошкор қилиниши мумкин?
13.	Тўлов тизими оператори ким ҳисобланади?
14.	Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик ўртасидаги фарқ нимада?
15.	Банкларда ахборот хавфсизлигининг асосий тамойиллари қайсилар?
16.	Риск ва таҳдид ўртасидаги фарқ нимада?
17.	Ахборот хавфсизлиги рискларини баҳолаш қандай амалга оширилади?
18.	Киберхавфсизлик ҳодисаси ва ахборот хавфсизлиги инциденти ўртасидаги фарқ нимада?
19.	«Defense in Depth » тамойили нимани англатади?
20.	Ахборот тизимларида заифлик деганда нима тушунилади?
21.	Пенетратион тестинг ва вулнерабилитй ассессмент ўртасидаги фарқ нимада?
22.	Аудит жараёнида логларни таҳлил қилиш нима учун муҳим?
23.	Киберхавфсизлик аудити давомида қандай асосий ҳужжатлар текширилади?
24.	SIEM тизимининг асосий вазифаси нимадан иборат?

25.	Икки факторли аутентификация қандай хавфларни камайтиради?
26.	Фишинг хужумларини аниқлашнинг асосий белгиларини айтинг.
27.	DDoS хужумининг банк тизимларига қандай таъсири бўлиши мумкин?
28.	Ахборот активларини классификация қилиш нима учун зарур?
29.	Рискларни бошқаришда «risk acceptance» нимани англатади?
30.	Киберхавфсизлик сиёсати қандай мақсадда ишлаб чиқилади?
31.	Банкларда third-party риск деганда нима тушунилади?
32.	Банкларда киберхавфсизлик рискларини баҳолаш методологияси қандай ишлаб чиқилади?
33.	«Risk-based approach» аудит жараёнида қандай қўлланилади?
34.	Операцион риск ва киберхавфсизлик рисклари ўртасидаги боғлиқлик нимада?
35.	ISO/IEC 27001 стандарти асосида ахборот хавфсизлигини бошқариш тизими қандай ташкил этилади?
36.	Киберхавфсизлик аудитида «audit score» қандай аниқланади?
37.	Антифрод ва киберхавфсизлик тизимлари интеграцияси нима учун муҳим?
38.	«Residual risk» қандай аниқланади?
39.	«Privileged access» менежмент нима учун муҳим?
40.	SOC ва CERT фаолияти ўртасидаги фарқ нимада?
41.	Compliance ва security тушунчалари ўртасидаги фарқ нимада?
42.	«Single point of failure» қандай хавфларни юзага келтиради?
43.	Аудит давомида аниқланган критик заифликларни приоритетлаштириш қандай амалга оширилади?
44.	«MITRE ATT&CK framework» қандай мақсадда қўлланилади?
45.	Булутли хизматларидан фойдаланишда қандай киберхавфсизлик рисклари юзага келади?
46.	«Root cause analysis» қандай амалга оширилади?
47.	«Risk appetite» ва «risk tolerance» ўртасидаги фарқ нимада?
48.	4PCI DSS талабларини бажармаслик қандай рискларни келтириб чиқаради?
49.	Zero Trust архитектураси қандай афзалликларни беради?
50.	«Business Continuity Plan (BCP)» ва «Disaster Recovery Plan (DRP)» ўртасидаги фарқ нимада?
Комплаенс-назорат хизмати	

1.	Қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат органлари ва ташкилотлари тизимида Ички назорат тузилмаларини ташкил этиш мажбурийлиги белгиланган?
2.	Ички назорат тузилмалари фаолиятининг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
3.	Ички назорат тузилмалари фаолиятининг натижадорлиги нимага асосан баҳоланади ва назоратни ким амалга оширади?
4.	Ички назорат тузилмалари раҳбарини лавозимидан озод этиш қандай тартибда амалга оширилади?
5.	Ички назорат тузилмалари вазифа ва функциялари ташкилотнинг юридик хизматига юклатилиши мумкинми?
6.	Ички назорат тузилмаларини ташкилотнинг ички аудит хизмати билан бирлаштириш мумкинми?
7.	Ички назорат тузилмалари фаолияти тўғри йўлга қўйилиши ва самарали фаолият юритиши учун қандай ички ҳужжатларни қабул қилиш зарур?
8.	Ички назорат тузилмаси раҳбари (ходими) ташкилотнинг меҳнат шартномаларига имзо қўйишга ҳақлими?
9.	Ички назорат тузилмаси ходимлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказадими?
10.	Ички назорат тузилмаси давлат ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга масъул ҳисобланадими?
11.	ISO 37001:2025 халқаро стандарти нима?
12.	ISO 37001:2025 халқаро стандарти талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар нималардан иборат?
13.	ISO 37001:2025 халқаро стандартига мувофиқ сертификатлаш нима ва унинг талаблари нималардан иборат?
14.	ISO 37001:2025 халқаро стандарти талабларига мувофиқлик тўғрисидаги сертификат ташкилотларга нима беради?
15.	Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати билан барча ходимлар таништирилиши мажбурийми?
16.	Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахсларни рағбатлантириш асослари ва турларини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш тартиби қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинган?
17.	Коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва коррупцияга оид жиноятлар таснифи қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатда кўрсатилган ва улар қайсилар?
18.	Ташкилотда манфаатлар тўқнашувини ўрганишнинг қандай ҳуқуқий асослари мавжуд? Манфаатлар тўқнашувини ўрганиш ва бартараф этиш учун ким масъул?
19.	Ташкилотларда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тўғрисида хабар бериш тартиби қандай?

20.	Ташкилотларда манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш чоралари нималардан иборат?
21.	Ташкилотларда манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш тартиби қандай?
22.	Ташкилотларда аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига ким томондан ҳуқуқий баҳо берилади?
23.	Ташкилотларда манфаатлар тўқнашуви қандай бошқарилади?
24.	Ташкилотлар коррупцияга оид фактлар тўғрисида хабар бериш имконини берувчи алоқа воситаларини яратиши мажбурийми?
25.	Ташкилотларда коррупцияга оид фактлар тўғрисида хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш, шунингдек бошқа зарур чораларни кўришга ким масъул?
26.	Ташкилотларда коррупцияга оид хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби қандай?
27.	Ички назорат тузилмалари ташкилотга келиб тушган коррупция ва манфаатлар тўқнашувига оид бўлмаган бошқа мазмундаги мурожаатларни ҳам кўриб чиқиши мумкинми?
28.	Ташкилотга келиб тушган коррупцияга оид хабарлар (мурожаатлар)ни кўриб чиқиш муддати қандай?
29.	Ташкилотнинг ходимлари коррупцияга қарши курашиш бўйича қандай дастурлар асосида ўқитилади?
30.	Қайси ташкилот давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича ўқув курсларида мунтазам ўқитилиши юзасидан мониторинг ва амалий ёрдам кўрсатишни олиб боради?
31.	Ташкилот ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш учун ташкилотнинг қайси тузилмаси масъул ва ушбу йўналишда ташкил этиладиган ўқитиш ишларини ким мувофиқлаштиради?
32.	Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодларни коррупцияга қарши текширишга қайси тузилма масъул?
33.	Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодлардан қандай ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин?
34.	Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш қачон ва неча кун муддатда амалга оширилади?
35.	Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодларни текширишда қандай маълумотлардан фойдаланилади?
36.	Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодлар тўғрисида ўтказилган текширув натижасида тўпланган маълумотлар ва ҳужжатлар қанча муддатда ва қайси тузилмада сақланади?
37.	Ички назорат тузилмалари томонидан ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни кимга тақдим этади ва тақдим этиш муддатлари қандай?
38.	Хизмат текширувлари қандай маълумотларга асосан ўтказилади?
39.	Хизмат текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда қандай маълумотлар кўрсатилиши керак?
40.	Қандай контрагентларга нисбатан текширув ишлари амалга оширилмаслиги мумкин?

41.	Ташкилот ходимлари томонидан совғалар қабул қилиш масаласи қайси ҳужжат билан тартибга солинади ва ташкилотнинг қайси таркибий тузилмалари масъул?
42.	Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида амалга оширилади? Рейтинг баҳолаш қандай йўналишлар ва мезонлар ҳамда индикатор кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади?
43.	Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижалари холислигини ким текширади?
44.	Маълумотларнинг ҳаққонийлигини замонавий ахборот-коммуникация воситалари орқали масофавий ўрганиш жараёнида нотўғри ёки сохта маълумотлар киритилганлиги аниқланган тақдирда қандай чора кўрилади?
45.	Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашда қандай маълумотларни киритиш тақиқланади?
46.	Ташкилотларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг ҳуқуқий асослари қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланган?
47.	«Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонунга асосан шахсий манфаатдорлик деганда нима тушунилади?
48.	«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунга асосан коррупцияга қарши курашишнинг асосий принципларини санаб беринг?
49.	Коррупция нима?
50.	Манфаатлар тўқнашувига таъриф беринг?
51.	«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунга асосан қайси давлат органлари коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширади?
52.	Манфаатлар тўқнашуви юзага келганда қандай чоралар кўрилади?
53.	Коррупциявий хавф-хатар тушунчасига таъриф беринг?
54.	Фаворитизм тушунчасига таъриф беринг.
Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботи департаменти	
1.	Ўзбекистонда банк тизими нечта поғонадан иборат?
2.	Қуйидагилардан қайси бирлари банклар учун бевосита тақиқланган фаолият турлари ҳисобланади?
3.	Банклар қайси идора томонидан рўйхатга олинади?
4.	Акциядорлар банкнинг устав капиталидаги қанча миқдордаги улушни олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт?
5.	Банк ташкил қилиш учун устав капиталининг энг кам миқдори қанча бўлиши керак?

6.	Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари сони камида нечта бўлиши лозим.
7.	Банкнинг энг юқори турувчи бошқарув органини қайси?
8.	Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи органи қайси?
9.	Микромолия банкини ташкил қилиш учун устав капиталининг энг кам миқдори қанча бўлиши керак?
10.	Қуйидаги жавоблардан қайси бирида Марказий банк томонидан лицензияланмайдиган фаолиятлар келтирилган?
11.	Марказий банк томонидан банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатнома қанча муддат ичида ўз юридик кучини сақлаб туради?
12.	Банкларни лицензиялаш тартиб-таомили нечта босқичдан иборат?
13.	Ким банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш тўғрисида қарорлар қабул қилади?
14.	Норезидент бўлган жисмоний шахсларнинг ва халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларнинг жами улуши банк устав капиталининг неча фоизидан ошмаслиги керак?
15.	Марказий банк томонидан бериладиган банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш муддати қанча?
16.	Нобанк кредит ташкилотлари сирасига қайси ташкилотлар киради?
17.	Кредит бюро томонидан қайси хизмат турлари амалга оширилади?
18.	Қайси ташкилотнинг устав фондига (устав капиталига) қўйилган минимал талаб тўғри кўрсатилган?
19.	Микромолия ташкилоти ва ломбарднинг асосий фарқлари?
20.	Лицензия, рухсатнома ва хабарнома асосида фаолиятни бошлаш қайси вариантда тўғри кўрсатилган?
21.	Агар муҳим аҳамиятга эга ходимларни объектив сабабларга кўра олдиндан келишиб олишнинг имкони бўлмаса, банк унинг лавозимга тайинланган кундан бошлаб қанча муддат ичида Марказий банкка кейинги келишиб олиш тартибидан ўтиш учун ариза юбориши зарур?
22.	Қайта баҳолаш натижасида раҳбар номувофиқ деб топилди. Банк биринчи навбатда нима қилиши шарт?
23.	Қайси ҳолатда раҳбарни қайта келишиб олиш талаб этилмайди?
24.	Банк бошқаруви раиси учун минимал талаб қандай?
25.	Раҳбар Низом талабларига эндиликда мувофиқ эмаслиги аниқланса, банк неча иш кuni ичида хабар беради?
26.	Касбий манфаатлар тўқнашуви қайси ҳолатда мавжуд?
27.	Жамоавий яроқлилиқнинг асосий мақсади нима?
28.	Қайси раҳбар ходимларнинг ишчанлик обрўси, тажриба, билим ва кўникмалари, мулоҳазаларнинг мустақиллиги ва

	индивидуал даражадаги вақтининг етарлилигини баҳолаш билан бир пайтда унинг жамоавий яроқлилиги ҳам баҳоланади?
29.	Кузатув кенгаши аъзолари бўйича алоқадорлик талаби қачон бузилган ҳисобланади?
30.	Банк раҳбари вақтинча йўқ бўлганида унинг вазифаларини ким бажариши мумкин?
31.	Қайси ҳолатда банк 30 кун ичида янги номзодни келишиб олиш учун тақдим этиши шарт?
32.	Микромолия ташкилотларини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тартиби Марказий банкнинг қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатига мувофиқ белгиланган?
33.	Юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) бухгалтерия балансининг қайси қисмида акс эттирилади?
34.	Нобанк кредит ташкилотларининг муассисларига (акциядорларига) қуйидаги талаблардан қайси бирига мувофиқ бўлиши лозим?
35.	Қуйида келтирилган фаолият қайси нобанк кредит ташкилотининг фаолиятига киради? «шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкнинг (ашёнинг) закат тарзидаги гарови асосида жисмоний шахсларга қисқа муддатли микроқарзлар беришга доир фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс»
36.	Микромолия ташкилотининг фаолиятига доир чекловларга қуйидагилардан қайси бири тааллуқли?
37.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кимга ҳисобдор?
38.	Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки устав капиталининг миқдори қанча?
39.	Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкининг олий органи?
40.	Тўлов ташкилотлари устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори?
41.	Қуйидаги қайси фаолият тўлов тизими операторларининг фаолиятига киради?
42.	Микромолия ташкилоти исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш учун қайси талабларга риоя қилиши керак?
43.	Иқтисодий соҳадаги жиноятлар ва бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун тугалланмаган судланганлик ҳолати мавжуд бўлган шахс нобанк кредит ташкилотининг муассиси (акциядори) бўла оладими?
44.	Кредитга олинган маблағлардан нобанк кредит ташкилотининг устав фондини (устав капиталини) шакллантириш мумкинми?
45.	Нобанк кредит ташкилотининг раҳбар ходими қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаганда Марказий банк нобанк кредит ташкилотига ушбу раҳбар ходимни алмаштириш тўғрисида кўрсатма бериши мумкинми?
46.	Юридик шахс бўлган, банк акцияларининг потенциал олувчисига ёки бу акцияларга бевосита ёхуд билвосита эгалик қилувчига бевосита ёки билвосита эгалик қиладиган ёхуд уни назорат қиладиган жисмоний шахс бу ...
47.	Банкнинг бошқарув аъзолари бўлмаган, лавозими банк фаолиятига муҳим таъсир кўрсатиш имкониятини берадиган

	ходимлар кимлар?
48.	Шахс томонидан ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар томонидан юридик шахс устав фондининг бир ёхуд бир неча битим натижасида олинган камида беш фоизига бевосита ёки билвосита эгалик қилиш нима деб аталади?
49.	Банклар гуруҳи бу ...
50.	Банкнинг юридик шахс бўлмаган, банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи ва банк томонидан ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи алоҳида бўлинмаси ...
Молиявий барқарорлик департаменти	
1.	Макропруденциал сиёсат ва пул-кредит сиёсатлари орасидаги ўзаро фарқ?
2.	Тизимли хатар нима ва ушбу хатарларнинг қандай турлари мавжуд?
3.	Макропруденциал сиёсатнинг асосий мақсади нима?
4.	Макропруденциал сиёсат воситалари қандай турларга бўлинади ва ушбу воситалар нима мақсадларда қўлланилади?
5.	Қарздорларга йўналтирилган воситалар қандай мақсадда қўлланилади?
6.	Ўзбекистонда қарздорларга йўналтирилган воситалар бўйича қандай меъёр талаблари ўрнатилган?
7.	Молиявий циклнинг турли фазаларида мамлакат иқтисодиёти қандай шаклланади?
8.	Ликвидлилик воситалари моҳияти ва ушбу воситалар бўйича ўрнатилган талаблар?
9.	Левераж коэффициенти нима?
10.	Капитал консервация буфери (ССоБ) моҳияти ва ушбу буфер бўйича ўрнатилган талаб?
11.	Контрциклик капитал буфер (ССйБ) моҳияти ва молиявий цикл фазаларида ушбу буферни қўллаш тартиби?
12.	Тизимли хатар буфери бошқа капитал буферларидан қандай фарқ қилади?
13.	Макропруденциал сиёсат воситаларининг қандай трансмиссион каналлари мавжуд?
14.	Тизимли аҳамиятга молик банк деганда нимани тушунасиз?
15.	Қандай мезонларга кўра тизимли аҳамиятга молик банклар аниқланади?
16.	Активлар нархидаги ўзгаришлар молиявий барқарорликка қандай каналлар орқали таъсир кўрсатади?
17.	Қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати ҳамда қарзнинг даромадга нисбати ўртасида қандай фарқ мавжуд?
18.	Концентрация хавфи нима?
19.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан банклар учун капитал монандлигига қандай талаблар қўйилган?
20.	Тартибга солиш арбитражи нима?
21.	Иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавфлар ва уларнинг молиявий барқарорликка таъсири?
22.	Корреляция ва ковариация орасидаги фарқ?

23.	Стандарт четланиш кўрсаткичининг моҳияти?
24.	Нормал тақсимот нима ва унинг асосий хоссалари?
25.	Мода, медиана ва ўртача кўрсаткичлар бир-биридан қандай фарқ қилади?
26.	Мультиколлениарлик тушунчаси нимани англатади?
27.	Стационарлик ва нонстанционарлик тушунчаларининг моҳияти нима?
28.	Тўплам (популатион) ва танланма (симпле) орасидаги фарқ?
29.	Қандай эконометрик моделларни биласиз?
Молиявий мониторинг департаменти	
1.	Бир марталик операциялар деганда нима тушунилади?
2.	Тижорат банкида Ички назорат тизими ким томонидан ташкил этилади ва назорат қилинади?
3.	Тижорат банкида Ички назорат хизмати бевосита кимга ҳисобдор?
4.	Ички назорат хизматининг ходимлари тўлов (ҳисоб-китоб), кредит ва бухгалтерия ҳужжатларини имзолаш ёки визалашни амалга ошира олмайди
5.	Махсус ваколатли давлат органи қайси?
6.	«Бенефициар мулкдор»ни аниқлаш – бу текширувнинг қайси босқичига киради?
7.	Мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш деганда нима тушунилади?
8.	Оффшор ҳудудлар қандай ҳудуд?
9.	Масофавий хизматлар деганда нима тушунилади?
10.	Мижоз анкетаси тижорат банкида мижоз билан муносабатлар тўхтатилган кундан бошлаб нечи йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланади?
11.	ФАТФ томонидан ишлаб чиқилган асосий ҳужжатлар қандай номланади?
12.	Тижорат банкларида Ички назорат хизмати раҳбари ёки ходими лавозимига қандай шахслар тайинланиши мумкин эмас?
13.	Махсус ваколатли давлат органи томонидан тузилган террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахслар иштирокидаги операциялар аниқланганда нима қилинади?
14.	Тижорат банклари фаолиятида бир марталик операциялар деганда нима тушунилади?
15.	Тижорат банкида мижоз томонидан амалга оширилаётган операцияларда аниқланган қонунбузарлик ҳолатларида кимга хабар юборилиши керак? (73 банд)

16.	Операция қатнашчиси бўлган юридик шахс Рўйхатга киритилган жисмоний ёки юридик шахснинг мулкида ёки назорат остида бўлса қандай чора кўрилади?
17.	Қачон тижорат банклари мижозлардан олинган ахборотлар (ҳужжатлар)ни текшириши (верификация қилиши) лозим?
18.	Тижорат банкларида террорчилик фаолияти ёки оммавий қирғин қуроллари тарқатишда қатнашаётган ёки қатнашишда гумон қилинаётган шахслар иштирокида амалга оширилаётган «Операцияларни тўхтатиб туриш» деганда нима тушунилади?
19.	Тижорат банкларида қайси ҳолатда мижозни қайта идентификация қилиш талаб этилмайди?
20.	Юридик шахснинг бошқарув органи ўзининг жойлашган юридик манзили бўйича мавжуд эмаслиги аниқланганда тижорат банки мижозга операцияни амалга оширишни рад этишга ҳақли бўладими?
21.	Мижозни лозим даражада текшириш чоралари Бир марталик операция суммаси БҲМнинг 100 бараваридан ошмаганда (шубҳали бўлмаган тақдирда) амалга ошириладими?
22.	Мижознинг таваккалчилик даражасини қайта баҳолаш муддати юқори даражадаги мижозлар учун қандай?
23.	"Бенефициар мулкдор" деб кимга айтилади?
24.	Нобанк кредит ташкилотларида "шубҳали операция" ҳақидаги хабарни махсус ваколатли органга юбориш муддати қанча?
25.	Қайси мезон мижозни юқори даражадаги таваккалчилик гуруҳига киритиш учун асос бўлади?
26.	Тижорат банкларида Ички назорат тизими мониторинги натижалари бўйича ҳисобот раҳбариятга қанча муддатда тақдим этилади?
27.	Жисмоний шахснинг идентификация маълумотларига нималар кирмайди?
28.	Активларни "ишга солмай тўхтатиб қўйиш" (музлатиш) нима дегани?
29.	«Рўйхат»даги шахс операция ўтказишни сўраб мурожаат қилганда банк қандай йўл тутadi?
30.	"Рўйхат"га киритилган шахслар ҳақидаги маълумот ташкилотларга қандай келиб тушади?
31.	Тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга қайси ҳолда рухсат берилади?
32.	Операцияни тўхтатиб туриш ҳақидаги хабар Департаментга қайси вақт ичида юборилади?
33.	Марказий банк томонидан банкларга нисбатан қўлланиладиган "қўпол қоидабузарлик" учун жарима миқдори қанча?
34.	Ички назорат қоидаларининг мавжуд эмаслиги ёки тасдиқланмаганлиги банк фаолияти учун "қўпол қоидабузарлик" деб ҳисобланадими?
35.	Нобанк кредит ташкилотларига нисбатан жарима санкциялари қайси органнинг қарори билан қўлланилади?
36.	Марказий банк томонидан жарима белгиланганда, жаримани тўлаш муддати қарор қабул қилинган кундан бошлаб қанча?

37.	Тижорат банкларида ички назорат хизмати масъул ходимининг ўринбосари ким бўлиши мумкин эмас?
38.	Ўзаро боғлиқ операциялар суммаси қанча бўлганда улар битта операция сифатида кўрилади?
39.	Тижорат Банки мижознинг операциясини рад этганда, бу ҳақда Департаментга неча кун ичида хабар беради?
40.	Шубҳали операция мезонларига кўра, ҳисобварақдан маблағларни нақдлаштириш бўйича "ғайритабиий" операция деганда нима тушунилади?
41.	Ташкилотда Ички назорат хизмати масъул ходимнинг малакасини ошириш даврийлиги қандай?
42.	Нобанк кредит ташкилотларида ички аудит қачон текшириш ўтказилади?
43.	Тижорат банкларида мижознинг ишончли вакили мавжуд бўлганда ким идентификация қилиниши керак?
44.	Қайси давлатлар "фатф"нинг "қора рўйхати"га кирилади?
45.	Транзакцион мониторинг тизими нима учун керак?
46.	Ташкилотнинг Ички назорат тизими самарадорлигини ким баҳолайди?
47.	Тўхтатиб турилган операцияни тиклаш қачон амалга оширилади?
48.	Оммавий қирғин қуролини тарқатиш билан боғлиқ бўлган шахсларнинг активлари қандай муддатда музлатилиши керак?
49.	КЙС (Know Your Customer) тамойилининг 4 та асосий элементи қайсилар?
50.	Ноқонуний даромадларни легаллаштиришнинг "интеграция" босқичи нима?
51.	АМЛ бўйича халқаро стандартларни ишлаб чиқувчи асосий ташкилот қайси?
52.	Нобанк кредит ташкилотларда "Таваккалчиликларни бошқариш дастури"ни ким тасдиқлайди?
Молиявий технологияларни рувожлантириш департаменти	
1.	Блокчейн технологиясининг асосий ажралиб турувчи хусусияти нима?
2.	Рақамли ҳамён тушунчасига энг мос таъриф қайси?
3.	Очиқ банкинг жорий этилишининг асосий мақсади нима?
4.	РегТеч технологияларининг асосий мақсади нима?
5.	Инкубация ва акселерациянинг бир биридан фарқи?
6.	Қуйидагилардан қайси бири инновацион хабнинг одатий функцияси ҳисобланмайди?
7.	Қайси ҳолат тартибга солиш қумдонининг (regulatory sandbox) асосий мақсадини энг аниқ ифодалайди?
8.	ПҚ-359 қарорига мувофиқ, стаблсоеинлар кенг жорий этилишдан олдин қаерда синовдан ўтказилади?

9.	Ягона стартап экотизими платформасида рўйхатдан ўтган иштирокчилар қандай имтиёзларга эга бўладилар?
10.	Очиқ банкинг тизимининг марказий операцион элементи нима ҳисобланади?
11.	Стартаплар учун R&D (тадқиқот ва ишланмалар) ваучери нимани англатади?
12.	Финтех саноатида API (Application Programming Interface)ларнинг асосий роли нима?
13.	Необанк ҳақида тушунча?
14.	Смарт контрактларнинг асосий хусусияти нимада?
15.	KYC (Know Your Customer) жараёнининг асосий мақсади нима?
16.	AML (Anti-Money Laundering) тизимларининг асосий вазифаси нима?
17.	BNPL концепциясининг асосий мазмуни нима?
18.	Молиявий хизматларда биометрик аутентификациянинг асосий устунлиги нима?
19.	Токенизация технологиясининг асосий мақсади нима?
20.	Краудфандинг платформаларининг асосий хусусияти нима?
21.	Марказлашмаган молия (DeFi) концепциясининг асосий тамойили нима?
22.	Финтех стартапининг тўлов иловаси тез суръатларда ўсмоқда, аммо фирибгарлик (fraud) ҳолатлари кескин ортмоқда. Энг оптимал ечим қайси?
23.	Банк очиқ банкинг APIларини ишга туширди, бироқ фойдаланувчилар ўз маълумотларини улашишга ишончсизлик билдирмоқда. Энг тўғри стратегия қайси?
24.	Финтех компаниясининг сунъий интеллектга асосланган кредит скоринг модели тизимли хатолик (биас) кўрсатмоқда. Энг тўғри ёндашув қайси?
25.	Тез ўсаётган рақамли банк KYC жараёнининг секинлиги сабабли мижозларни йўқотмоқда. Энг яхши ечим қайси?
26.	Крипто стартап токен чиқаришни режалаштирмоқда, бироқ регулятор тўсиқларга дуч келмоқда. Энг тўғри стратегия қайси?
27.	Финтех платформа BNPL хизматини ишга туширди, аммо фойдаланувчиларнинг қарздорлик даражаси хавфли даражада ошмоқда. Энг тўғри ечим қайси?
28.	DeFi платформада фойдаланувчилар маблағларини тезда ечиб олишлари натижасида ликвидлик инқироzi юзага келмоқда. Энг тўғри ёндашув қайси?
29.	Финтех компания қатъий регулятор талабларга эга янги бозорга киришни режалаштирмоқда. Энг тўғри стратегия қайси?
30.	Финтех ривожланишида Марказий банкнинг асосий роли нимадан иборат?

31.	Марказий банк томонидан рақамли валюта (СБДС) жорий этилишининг асосий мақсади нима?
32.	Марказий банк томонидан тартибга солиш қумдони (регуляторӣ сандбох) жорий этилишининг асосий мақсади нима?
33.	Марказий банк томонидан электрон пул ва тўлов тизимларини тартибга солишнинг асосий сабаби нима?
34.	Финтех ривожланиши Марказий банк учун қандай янги вазифаларни келтириб чиқаради?
35.	Финтех молиявий инклюзияга қандай таъсир қилади?
36.	Марказий банкнинг Молиявий технологияларни ривожлантиришдаги рўли қандай?
37.	Рақамли трансформация банк секторида нимани ўзгартиради?
38.	Агар маҳсулот нархига 30% устама қўйилган бўлса ва сотиш нархи 130 000 сўм бўлса, таннарх қанча?
39.	Финтех экотизими қандай элементлардан иборат?
40.	3391 низомга асосан биргаликда аризақ берувчилар кимлар?
41.	Молиявий технологиялар маҳсулотига нималар мисол бўла олади?
42.	Молиявий технологиялар соҳасида «блокчейн» технологияси нимага хизмат қилади?
43.	Молиявий технологиялар ривожиди «регулятор сандбох» нима учун керак?
44.	Очиқ банк тизими (Open Banking) стандартларини жорий этишда фойдаланиладиган API (Application Programming Interface) технологиясининг асосий вазифаси нимадан иборат?
45.	Марказий банк рақамли валютаси (CBDC) ва криптовалюталарнинг (масалан, Битсоин) фундаментал фарқи нимада?
46.	Необанклар (Рақамли банклар) ва анъанавий банкларнинг бизнес модели ўртасидаги энг катта фарқни кўрсатинг:
47.	Молиявий технологиялар соҳасидаги "Биометрик идентификация" тизимларига нималар киради?
48.	Тўлов тизимларидаги "Токенизация" жараёни нимани англатади?
49.	"Buy Now, Pay Later" (BNPL — Ҳозир сотиб ол, кейин тўла) хизмати анъанавий кредит картадан нимаси билан фарқ қилади?
Молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати	
1.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида истеъмолчилар ҳуқуқларининг устуворлиги қандай мазмунда белгиланган?
2.	Молиявий хизматлар соҳасида «истеъмолчи» тушунчаси нимани англатади деб ўйлайсиз?
3.	«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, банклар қандай асосий молиявий операцияларни амалга оширади?
4.	«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, банк бир хизматни кўрсатишни бошқа хизмат ёки

	махсулотдан фойдаланиш шарти билан боғлаши мумкинми?
5.	«Банк сири тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилиш деганда қандай ҳаракатлар тушунилади?
6.	«Банк сири тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар қайси шахсларга ва ташкилотларга тақдим этилиши мумкин?
7.	Сизнингча, нима сабабдан молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси Марказий банк ваколатлари доирасига киритилган?
8.	«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунда кредит ташкилотлари хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Марказий банк қандай чоралар кўриши назарда тутилган?
9.	«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунда банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қандай асосий талаблар белгиланган?
10.	«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунда банк хизматлари шартлари, тарифлар, воситачилик ҳақи ва фоиз ставкалари тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш бўйича қандай талаблар мавжуд?
11.	«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, банклар мижозларнинг мурожаатларини қандай муддатларда кўриб чиқиши лозим?
12.	3030-сонли «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида»ги Низомнинг асосий мақсади нимадан иборат деб ўйлайсиз?
13.	Истеъмолчи билан тузиладиган молиявий хизмат шартномаси нима учун аниқ, содда ва тушунарли тилда расмийлаштирилиши лозим деб ўйлайсиз?
14.	Банк хизматлари истеъмолчисига кредит ёки омонат бўйича асосий шартлар тўғрисидаги ахборотни олдиндан тақдим этиш нима учун муҳим?
15.	Кредит билан микроқарз ўртасида қандай фарқ бор?
16.	Тасаввур қилинг, мижоз автокредит олмоқчи. Банк ходими эса: «Агар бизнинг банк картамизга буюртма бермасангиз ва мобил иловамизни ўрнатмасангиз, сизга кредит бера олмаймиз», деди. Сиз ушбу вазиятни қандай баҳолайсиз? Агар банк «бу мижозга қулайлик яратиш учун» деса, бунга муносабатингиз қандай?
17.	Истеъмолчи билан тузиладиган молиявий хизмат шартномасида тўловлар, комиссиялар, жарималар ва бошқа мажбуриятлар аниқ кўрсатилмаган бўлса, бу ҳолат истеъмолчи ҳуқуқларига қандай таъсир қилиши мумкин?
18.	«Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, тўлов ташкилоти тўлов хизматларини кўрсатувчи субъект, тўлов тизими оператори эса тўлов тизимининг ишлашини таъминловчи субъект ҳисобланади. Тўлов ташкилотлари ва тўлов тизими операторлари фаолиятида истеъмолчилар ҳуқуқларига таъсир қилиши мумкин бўлган асосий хавфлар

	нималардан иборат?
19.	Кредит бўйича фоиз ставкаси паст кўрсатилган бўлса, бу кредит истеъмолчи учун арзон эканини ҳар доим англатадими? Жавобингизни асосланг.
20.	Текширув жараёнида истеъмолчилар билан тузилган шартномалар, банк тарифлари, ва мурожаатлар бўйича ҳужжатларни ўрганиш нима учун муҳим?
21.	Молиявий ташкилот томонидан истеъмолчига нотўғри, тўлиқ бўлмаган ёки чалғитувчи ахборот берилганлигини қандай баҳолаш мумкин деб ўйлайсиз?
22.	Кредитнинг тўлиқ қиймати деганда нимани тушунасиш, у нима учун кредит шартномаларида кўрсатилади?
23.	Молиявий ташкилотлар кесимида мурожаатлар сонининг ошиши ҳар доим ҳам қоидабузарлик мавжудлигини англатадими? Жавобингизни асосланг.
24.	Тасаввур қилинг, айрим ривожланган давлатларда банклар мижозга кредит беришдан олдин унинг билимини махсус тестдан ўтказди
25.	«Сирли мижоз» усули деганда нимани тушунасиш ва у қандай мақсадларда қўлланилади?
26.	Молиявий ташкилотлар фаолиятида истеъмолчилар ҳуқуқларига оид бир хил муаммолар такроран учраса, бундай ҳолат бўйича умумий тушунтириш ёки тақлиф ишлаб чиқиш нима учун зарур?
27.	Халқаро давлатлар тажрибасини Ўзбекистон молиявий бозорига жорий этишда қандай омиллар ҳисобга олиниши керак деб ўйлайсиз?
28.	Кредит фоиз ставкаси билан депозит фоиз ставкаси ўртасида фарқ бўлишининг иқтисодий сабаблари нималардан иборат?
29.	Мижоз 10 000 000 сўм кредит олмоқда. Шартномага кўра, суғурта тўлови кредит суммасининг 5 фоизини ташкил этади ва кредит берилаётганда суғурта тўлови учун ўтказилади. Мижоз амалда қанча маблағ олади ва фоизлар қайси суммага нисбатан ҳисобланади?
30.	Банк кредит рекламасида «йиллик 24 фоиз» деб кўрсатган, лекин шартномада қўшимча комиссия ва суғурта тўловлари мавжуд. Бу ҳолатда истеъмолчи кредитнинг ҳақиқий харажатини қандай билиши мумкин?
31.	Мижоз 3 йиллик кредит олди. Биринчи ойларда тўловнинг катта қисми фоизга, кам қисми асосий қарзга кетмоқда. Банк мижозга тўлов графиги ва тўлов тартибини қандай тушунтириши керак?
32.	Молиявий хизматлар истеъмолчилари учун эркин танлов имконияти яратиш деганда нимани тушунасиш?
33.	Истеъмолчи кредит, омонат ёки тўлов хизмати шартларини тўлиқ тушунмаган ҳолда қарор қабул қилса, бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
34.	Масофавий банк хизматлари, мобил иловалар ва онлайн кредитлаш ривожланиши истеъмолчилар учун қандай қулайликлар ва қандай хавфларни юзага келтиради?

35.	«Истеъмолчи ҳар доим ҳақ» деган фикр молиявий хизматлар соҳасида тўлиқ қўлланилиши мумкинми? Жавобингизни асосланг.
36.	Халқаро амалиётда молиявий хизматлар истеъмолчиларини ҳимоя қилишнинг асосий принциплари деганда нималар тушунилади?
37.	Халқаро амалиётда молиявий омбудсман ёки мустақил низоларни ҳал қилиш механизми истеъмолчилар учун қандай қулайлик яратади?
38.	Ривожланган давлатларда молиявий ташкилотнинг фақат қонун талабини расман бажариши етарлими ёки истеъмолчи учун ҳақиқий натижа ҳам муҳимми? Жавобингизни асосланг
Монетар операциялар департаменти	
1.	Ликвидлик прогнози нима? Марказий банклар банк тизимидаги ликвидлик эҳтиёжини аниқлашда қайси асосий омилларни (автоном омиллар) ҳисобга олади?
2.	Асосий ставка ва бозор ставкалари: Марказий банкнинг асосий ставкаси ўзгариши банклараро пул бозоридаги ставкаларга қандай механизм орқали таъсир кўрсатади?
3.	Мажбурий захира талаблари: Ушбу инструментнинг фақат ликвидликни тартибга солиш эмас, балки «пул мультипликатори»га таъсирини тушунтириб беринг.
4.	Очиқ бозор операциялари (ОМО): Марказий банк томонидан облигацияларни сотиш операцияси банк тизимидаги ликвидлик миқдорида қандай таъсир қилади?
5.	РЕПО ва Тескари РЕПО: Ушбу икки операциянинг иқтисодий мазмуни ўртасидаги фарқни ва уларнинг ҳар бири қандай ликвидлик шароитида қўлланилишини изоҳланг.
6.	Ломбард кредити: Тижорат банки қандай вазиятда Марказий банкнинг доимий амаллар хизматидан фойдаланишга мажбур бўлади?
7.	Монетар трансмиссия механизми: «Кредит канали» орқали Марказий банк қарорлари реал секторга қандай етиб боради?
8.	Марказий банк облигациялари: Нима учун Марказий банк давлат облигациялари ўрнига ўзининг қимматли қоғозларини эмиссия қилиши мумкин?
9.	Депозит аукционлари: Ушбу операция банк тизимидаги қайси ҳолатни (ортиқча ёки тақчиллик) бартараф этиш учун ўтказилади?
10.	«Овернигхт» ставкалар: Нима учун банклараро бозордаги бир кунлик (овернигхт) ставкалар Марказий банк фоиз коридорида бўлиши муҳим?
11.	Ликвидликни стерилизация қилиш: Иқтисодиётда пул массаси ҳаддан ташқари кўпайиб кетганда, Марказий банк қандай «стерилизация» чораларини кўради?

12.	Гаров таъминоти (Соллатерал): Марказий банк монетар операцияларида гаров сифатига (хаирсут ва ратинг) нима учун алоҳида эътибор қаратади?
13.	Марказий контрагент (ССП): Банклараро пул бозорида битимлар марказий контрагент орқали амалга оширилишининг асосий афзаллиги нимада?
14.	Фине-тунинг операциялари: Ушбу операциялар мунтазам монетар операциялардан ўзининг муддати ва мақсади билан қандай фарқланади?
15.	Фоиз коридори (Интерест Рате Корридор) нима?
16.	Ликвидликнинг "ортиқчалиги" ва "тақчиллиги" ўртасидаги фарқ нима?
17.	Тизимли ликвидлик тақчиллиги: Агар банк тизимида узоқ муддатли пул етишмовчилиги кузатилса, Марказий банк қисқа муддатли операциялардан ташқари яна қандай чораларни қўллаши мумкин?
18.	Ҳосила молиявий инструментлар (деривативлар) нима? Молиявий деривативларнинг асосий турлари ва уларнинг фарқлари нимада?
19.	Деривативларнинг асосий (базавий) активлари нима?
20.	Деривативлардан фойдаланишнинг асосий мақсади нима?
21.	Дериватив операцияси қандай амалга оширилишини тушунтириб бера оласизми?
22.	Форвард ва фьючерс ўртасида қандай фарқ бор?
23.	Биржадан ташқари (ОТС) ва биржада савдо қилинадиган бозорлар нима?
24.	Своп шартномаси нима? Мисол келтиринг.
25.	Опцион нима? Мисол келтиринг.
26.	Фоиз ставка свопи нима?
27.	Қисқа (short) ва узун (long) позициялар нима?
28.	Европа ва Америка опционлари ўртасида қандай фарқ бор?
29.	Хеджирлаш (hedging) нима?
30.	Хеджирлаш, спекуляция ва арбитраж ўртасидаги фарқни тушунтиринг.
31.	Деривативлар савдосида қандай асосий хатарлар мавжуд?
32.	Деривативларнинг адолатли қийматини аниқлаш учун қандай моделлар ёки усуллар қўлланилади?
33.	Салл опциони ва пут опциони нима?
34.	Средит Дефолт Swap нима? Тушунтириб беринг.
35.	Бласк–Счолес–Мертон модели нима? Тушунтириб беринг.
36.	Капитал активларини баҳолаш модели (Сапитал Ассет Присинг Модель, САПМ) нима? Тушунтириб беринг.

37.	Замонавий портфель назарияси (Модерн Портфолио Тҳеорй) нима? Тушунтириб беринг.
38.	Валюта курси режимлари ҳақида маълумот беринг ва улар ўртасидаги асосий фарқ нима?
39.	Мунделл-Флемингнинг "Имконсиз учлик" (Импоссибле Тринитй/Трилемма) назариясини тушунтиринг ва унинг амалий аҳамияти нима?
40.	НЕР, РЕР, НЕЭР ва РЕЭР ўртасидаги фарқни тушунтиринг.
41.	Форвард шартнома, фьючерс, опцион ва своп ўртасидаги таркибий ва функционал фарқлар нималардан иборат?
42.	Деноминация, девальвация, ревальвация ва нуллификация — ҳар бирининг иқтисодий моҳияти ва оқибатларини тушунтиринг.
43.	Валюта арбитражи нима? Уч томонлама (триангулар) арбитраж қандай амалга оширилади?
44.	Валюта интервенцияси нима ва марказий банк уни қандай мақсадларда ўтказади?
45.	Валюта конвертацияси нима? Эркин конвертация қилинадиган ва чекланган валюталар ўртасидаги фарқ нима?
46.	Валюта бозорида "бид-аск спреад" (сотиб олиш ва сотиш курслари фарқи) нима ва у ликвидлик ҳамда риск билан қандай боғлиқ? Спреад кенгайиши қандай бозор шароитларида кузатилади?
47.	Валюта котировкасининг тўғри ва тескари котировкалаш шакллари нима? Мисол келтиринг.
48.	Долларизация нима? Тўлиқ ва қисман долларизациянинг фарқи ва оқибатларини тушунтиринг.
49.	«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра Марказий банкнинг валюта сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ваколатлари нималардан иборат?
50.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валютани тартибга солувчи ва назорат қилувчи Давлат органларига қайсилар киради?
Нақд пул муомаласини ташкил этиш департаменти	
1.	Нақд пул муомаласи деганда нимани тушунаси?
2.	Нақд пул муомаласининг иқтисодиётдаги ўрни қандай?
3.	Нақд пул муомаласини тартибга солиш бўйича сиёсатни ким олиб боради?
4.	Марказий банкнинг нақд пул муомаласини ташкил этишдаги асосий вазифалари нималардан иборат?
5.	Нақд пул эмиссияси деганда нимани тушунаси?
6.	Нақд пуллар эмиссияси қандай ҳолларда амалга оширилади?
7.	Муомаладаги нақд пуллар миқдори нимани аңлатади?
8.	Қандай пул агрегатлари бор ва уларнинг таркиби нимадан иборат?
9.	Нақд пуллар ва нақдсиз пуллар ўртасида қандай фарқ бор?
10.	Нақд пулларнинг айланиш тезлиги нимани билдиради?
11.	Нақд пуллар айланмаси қандай тартибга солинади?

12.	Банкларда касса интизоми деганда нима тушунилади?
13.	Нақд пулни банкка топшириш муддатлари қандай белгиланади?
14.	Республикамизда рақамли валютани жорий этилиши нақд пул муомаласига қандай таъсир кўрсатади?
15.	Тижорат банклари кассаси деганда нимани тушунаси?
16.	Банкларда кассирларнинг вазифалари нималардан иборат?
17.	Қандай кирим ва чиқим касса ҳужжатларини биласиз?
18.	Банк кассирлари моддий жавобгар шахс ҳисобланадими?
19.	Ўзбекистонда банкнот ва тангаларнинг қандай номиналлари муомалада юрибди?
20.	Ўзбекистон сўми банкнотларидаги қандай ҳимоя элементларини биласиз?
21.	Муомаладаги нақд пулларни қисқартиришнинг афзалликлари нимада?
22.	Нақд пульсиз ҳисоб-китобларни ривожланиши нақд пуллар муомаласига қандай таъсир қилади?
23.	Нақд пул айланишига энг кучли таъсир қилувчи омил нима?
24.	Пул бухгалтерия ҳисобварақларида ҳисобда қандай акс этади?
25.	Нақд пул айланмасини бошқаришда рақамли технологиялар қандай роль ўйнайди?
26.	Ривожланаётган мамлакатларда нақд пулга бўлган юқори талаб сабаблари нимада?
27.	Муомалада нақд пулларнинг ортиқчалиги нималарга олиб келади?
28.	Банк тизимида нақд пулларнинг айланиши қандай ташкил этилади?
29.	Рақамли иқтисодиётда нақд пулнинг роли қандай ўзгаради?
30.	Келажақда республикамизда нақд пуллар муомаласи қандай ривожланади деб ўйлайсиз?
31.	Нақд пул муомаласини оптималлаштириш учун Марказий банк қандай инструментлардан фойдаланади?
32.	Нақд пуллар эмиссияси билан инфляция ўртасидаги боғлиқлик мавжудми?
33.	Нақд пулларнинг айланиш тезлигининг пасайиши иқтисодиётга қандай таъсир этади?
34.	Мижозларнинг нақд пул тушумларини инкассация қилиш жараёнини тушунтириб беринг
35.	Банк кассири эътиборсиз оқибатида қайсидир мижоздан қалбаки банкнотни қабул қилиб олган бўлса, ушбу ҳолатда кассир қандай ҳаракатларни амалга ошириши лозим?
36.	Нақд пул айланишини оптималлаштиришда асосий мақсад?
37.	Нақд пулнинг камчиликлари нимада?
38.	Ўзбекистонда келажақда, нақд пуллардан воз кечиш сиёсатини амалга оширилиши қай даражада реал ва бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
39.	Нақд пул муомаласини чеклаш орқали «яширин иқтисодиёт»ни камайтириш мумкинми?

40.	Нақд пул билан ишлашда асосий рисклар қайсилар?
41.	Электрон тўлов тизимлари хавфсизлиги нақд пулга нисбатан қай даражада ишончли?
42.	Нақд пуллар муомаласини ташкил этиш харажатларини камайтириш учун қандай инновацион ечимлар таклиф қиласиз?
43.	Банкнотларнинг тез эскиришига қандай омиллар таъсир қилади ва буни қандай камайтириш мумкин?
44.	Нақд пул муомаласини чеклашга қаратилган қонунчилик чоралари бизнес субъектларига қандай таъсир кўрсатади?
45.	Банкларнинг касса операцияларини аудиторлар томонидан назорат қилишининг ижобий томонларини гапириб беринг
46.	Банк кассалар орқали амалга оширилган нақд пулдаги кирим ва чиқим касса амаллари қандай мониторинг қилинади?
47.	Глобал молиявий инқирозлар даврида нақд пулга бўлган талаб қандай ўзгаради?
48.	Банк тизимида нақд пуллар муомаласини ташкил этишни такомиллаштириш борасида нималарни таклиф этиш мумкин?
49.	Ривожланган давлатларда нақд пулдан воз кечиш тенденцияси қандай кечмоқда ва бу жараёнда қайси омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга?
50.	Халқаро тажрибада нақд пул муомаласини тартибга солишнинг қандай самарали усуллари мавжуд?
Пул-кредит сиёсати департаменти	
1.	Пул-кредит сиёсати трансмиссия каналларини қандай тушунасиз ва уларнинг иқтисодиётга таъсири қандай босқичларда намоён бўлади?
2.	Марказий банк асосий ставкасининг банк фоиз ставкалари, кредитлаш ҳажми ва ички талабга таъсири қандай шаклланади?
3.	Алмашув курси канали инфляция, ташқи савдо ва иқтисодий фаолликка қандай таъсир кўрсатади?
4.	Инфляцион кутилмалар пул-кредит сиёсати самарадорлигида қандай ўрин тутади?
5.	Марказий банк ишончилиги ва коммуникация сиёсати инфляция динамикасига қандай таъсир қилади?
6.	Инфляцияни таҳлил қилишда талаб, таклиф, импорт нархлари, тартибга солинадиган нархлар ва базавий инфляция омилларини қандай ажратиш мумкин?
7.	Иқтисодиётдаги талаб ва таклиф шокларига пул-кредит сиёсати қандай фарқли жавоб бериши керак?
8.	Ишлаб чиқариш тафовути ва потенциал ЙИМ тушунчалари пул-кредит сиёсати қарорларида қандай қўлланилади?
9.	Нейтрал реал фоиз ставкаси ва пул-кредит шароити тушунчаларини қандай изоҳлайсиз?
10.	Пул-кредит сиёсати қоидалари, жумладан Тейлор қоидаси, амалиётда қандай афзалликларга эга?
11.	Молиявий шароитлар, кредит канали ва банк баланси канали макроиқтисодий барқарорликка қандай таъсир қилади?
12.	Қисман долларлашув шароитида пул-кредит сиёсати трансмиссияси қандай ўзгаради?
13.	Фискал сиёсат ва пул-кредит сиёсати ўртасидаги ўзаро таъсир инфляция ва фоиз ставкалари динамикасида қандай намоён бўлади?
14.	Ташқи шоклар, жумладан жаҳон хомашё нархлари, ташқи фоиз ставкалари ва савдо ҳамкорлари талаби ўзгариши ички

	макроиқтисодий барқарорликка қандай таъсир қилади?
15.	Қисқа ва ўрта муддатли инфляция прогнозларини шакллантиришда қандай макроиқтисодий механизмларга эътибор қаратиш керак?
16.	Пул-кредит сиёсати қарорларида сценарий таҳлили ва хатарларни баҳолаш қандай роль ўйнайди?
17.	Инфляцион таргетлаш режимида Марказий банк инфляция мақсади, иқтисодий ўсиш ва молиявий барқарорлик ўртасидаги мувозанатни қандай қўради?
18.	Валюта интервенциялари ва пул-кредит сиёсати мақсадлари ўртасида қандай мувофиқлик ёки зиддиятлар юзага келиши мумкин?
19.	Макроиқтисодий моделлар пул-кредит сиёсати таҳлили ва қарор қабул қилиш жараёнида қандай қўлланилади?
20.	Пул-кредит сиёсати самарадорлигини амалда қандай баҳолаш мумкин ва таъсир лагларини қандай талқин қилиш лозим?
21.	Эконометрик моделлар ҳақида нималарни биласиз?
22.	Эконометрик моделда корреляция ва сабабий боғлиқлик ўртасидаги фарқни қандай тушунасиз?
23.	Классик регрессия модели тахминлари макроиқтисодий маълумотларда таъминланмаганда натижалар қандай ўзгариши мумкин?
24.	Эндогенлик муаммоси қандай юзага келади ва уни аниқлаш ҳамда камайтириш учун қандай ёндашувлар қўлланилади?
25.	Инструментал ўзгарувчилар усулида инструментнинг релевантлиги ва экзогенлиги қандай баҳоланади?
26.	Вақт қаторларида бирлик илдиш, стационарлик ва трансформация танлови эмпирик натижаларга қандай таъсир қилади?
27.	VAR ва SVAR моделлари пул-кредит сиёсати шокларини таҳлил қилишда қандай имконият ва чекловларга эга?
28.	Лосал прожестинс усули импульс жавоб функцияларини баҳолашда қандай қўлланилади?
29.	Коинтеграция ва хатоларни тузатиш модели узоқ муддатли иқтисодий муносабатларни таҳлил қилишда қандай аҳамиятга эга?
30.	Панель маълумотларида фиксед эффесстс ва рандом эффесстс ёндашувлари қандай ҳолатларда қўлланилади?
31.	Гетероскедастиклик, автокорреляция ва кластерланган хатолар шароитида ишончли хулоса чиқариш учун қандай усуллар зарур?
32.	Таркибий узилишлар, режим алмашинуви ва сиёсат ўзгаришлари эконометрик моделларда қандай ҳисобга олинади?
33.	Модель танлаш, спецификация хатоси ва оверфиттинг муаммолари прогнозлаш ва сиёсий таҳлилда қандай хавф туғдиради?
34.	Инфляция, YaIM ва фоиз ставкаларини прогнозлашда ARIMA, BVAR, фактор моделлари ва бошқа ёндашувлар қандай фарқ қилади?
35.	Пул-кредит сиёсати таъсирини баҳолашда эвент студй, дифференсэ-ин-дифференсэс ёки сйнтхетис контрол каби усуллар

	қандай қўлланилиши мумкин?
36.	Пул-кредит сиёсати трансмиссиясида нозизиқилик ва ҳолатга боғлиқ таъсирларни қандай эмпирик баҳолаш мумкин?
37.	Алмашув курси пасс-тҳроугҳ ва импорт нархлари таъсирини эконометрик моделда қандай ажратиб кўрсатиш мумкин?
38.	Инфляцион кутилмалар, сўров маълумотлари ва ўлчаш хатоларини моделлаштиришда қандай эконометрик муаммолар юзага келади?
39.	Кузатилмайдиган ўзгарувчилар, жумладан ишлаб чиқариш тафовути ёки нейтрал ставка, статистика-спасэ моделлари орқали қандай баҳоланади?
40.	Импульс жавоб функцияларида таъсирнинг бошланғич, энг юқори ва давомийлик жиҳатларини қандай талқин қилиш керак?
41.	Эконометрик натижаларни сиёсий қарор қабул қилувчиларга етказишда робустлик, ноаниқлик ва иқтисодий мазмунни қандай мувозанатлаш лозим?
Қимматбаҳо металлларни сақлаш департаменти	
1.	Металл ҳисобварағи қандай ҳисобварақ?
2.	Қимматбаҳо металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварағи деганда нимани тушунасиш?
3.	Қимматбаҳо металлларни масъул сақлаш ҳисобварағи қандай ҳисобварақ?
4.	Трой унцияси деганда нимани тушунасиш?
5.	Бир трой унцияси аниқ оғирлиги қанча?
6.	Трой унциясининг одатдаги унциядан фарқи?
7.	Асиллик даражаси деганда нимани тушунасиш?
8.	Ёмби нима?
9.	Стандарт қуйма нима?
10.	Ўлчовли қуймалар ?
11.	Қимматбаҳо металллар деганда нимани тушунасиш?
12.	Ўзбекистон Республикасининг «Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Марказий банкнинг қимматбаҳо металлларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги ваколатларига нисбатан қандай қилиш керак?
13.	Қимматбаҳо металлларни вазнини ўлчаш неча сонияда аниқланиши керак?
14.	Кенг ўлчаш диапазони деганда нимани тушунасиш?
15.	Ўлчовни юқори даражада ошириш натижасида олтин қотишмаси учун хатолик доираси қанча?
16.	Олтиннинг тахминий зичлиги қанча?
17.	Қимматбаҳо металлларни аффинаж қилиш деганда нимани тушунасиш ?

18.	Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» Қонунига мувофиқ Марказий банкнинг қимматбаҳо металлларга оид ваколатларига нималар киради?
19.	Қазиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар кимнинг мулки ҳисобланади?
20.	Платина гуруҳига кирувчи металллар қайсилар?
21.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан сотуви йўлга қўйилган қимматбаҳо металллардан тайёрланган пул белгилари ва қуймаларнинг нархлари қандай белгиланади?
22.	Марказий банкка тегишли бўлган, халқаро андозаларга мос келувчи олтин қайси ҳисобварақларда юритилади?
23.	Марказий банкка тегишли бўлган, халқаро андозаларга мос келмайдиган олтин қайси ҳисобварақларда юритилади?
24.	Марказий банкка тегишли бўлган, бошқа қимматбаҳо металллар қайси ҳисобварақларда юритилади?
25.	Кимлар стандарт ва ўлчовли қуймаларни, қимматбаҳо металллардан тайёрланган пул белгиларини экспорт қилишни амалга ошириш ҳуқуқига эга?
26.	Лигатура вазни, бу –
27.	Кимёвий соф вазн, бу -
28.	Тарози қандай асбоб-ускуна ва у қайси соҳаларда қандай мақсадлар учун ишлатилади?
29.	Тарозиларнинг қандай турларини биласиз?
30.	Тарозиларни "қиёслашдан ўтказиш" деганда нима тушунилади?
31.	Тарозида ўлчов амалиётини бажаришда нималарга эътибор бериш керак?
32.	Тарозида ишловчи ходим қандай кўникмаларга эга бўлиши керак?
Валютани тартибга солиш ва назорат қилиш департаменти	
1.	Валюта паритети нима ва у реал валюта курсидан қандай фарқ қилади?
2.	Валюта деривативлари қандай инструментлар ва улар қандай рискларни бошқаришда ишлатилади?
3.	Юридик шахслар (банклардан бошқа) Ўзбекистон Республикасидан ташқарига нақд чет эл валютасини олиб чиқиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, қандай миқдорда олиб чиқишлари мумкин?
4.	Ўзбекистон Республикасида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш операцияларида валюта курси қандай белгиланади?
5.	Резидент жисмоний шахслар хорижда банк ҳисобварақларини очиши мумкинми?
6.	Ўзбекистон ҳудудида иш берувчи ўз ходимларига иш ҳақини хорижий валютада тўлай оладими? Иш ҳақини хорижий валютада тўлаш қайси ҳолатларда мантиқан тўғри бўлади?
7.	Валюта курси нимани ифодалайди ва у иқтисодиёт учун нимани англатади?
8.	Таълим учун чет элга тўлов қилиш тартиби қандай?
9.	Норезидентлар Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақларидан маблағларни Республика ҳудудидаги

	бошқа банкларда очилган ҳисобварақларига ўтказишлари мумкинми?
10.	Валютани тартибга солиш деганда нимани тушунасиз?
11.	1 УСД = 12 000 сўм бўлса, бу сўм учун қандай котировка турига киради?
12.	Миллий валюта барқарорлиги иқтисодий ўсишга қандай таъсир кўрсатади?
13.	Ташқи савдо айланмаси, ташқи савдо сальдоси ва импортни экспорт билан қоплаш коэффициенти ҳақида маълумот беринг.
14.	Валюта курси ревальвацияси (миллий валютанинг қадрланиши) экспорт ва импортга қандай таъсир қилади?
15.	Реал самарали алмашув курсининг (РЕЭР) қадрсизланиши қандай натижаларга олиб келади?
16.	Айирбошлаш шохобчаси бир валюта учун икки хил курс (сотиб олиш ва сотиш) белгилайди. Сизнингча, банк нима сабабдан шу икки курс ўртасида фарқ қўяди ва бундан қандай фойда олади?
17.	Агар 1 USD= 2,36 JPY бўлса, 1 япон иенаси неча АҚШ долларига тенг?
18.	Валюта курси ўзгариши маҳсулот нархига қандай таъсир қилади? Агар немис маркасининг нархи 1 марка учун 0,5 доллардан 0,4 долларга тушса, Германияда 150 маркага сотиладиган магнитофоннинг доллардаги нархи:
19.	Эркин валюта курси шароитида талаб ошса нима содир бўлади? Агар А ва Б давлатлари ўртасида мутлақо эркин валюта курси режими бўлса ва Б давлатининг валютасига талаб ошса, бу нимани англатади?
20.	Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланмаган хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги шартномаларни қайси муассаса рўйхатга олади?
21.	Валюта соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ валюта операциялари нечи хил турга бўлинади?
22.	Банклар ташқи қарз маблағларини нима мақсадда жалб қилади?
23.	Депозит ва грантлар банклар томонидан жалб қилинадиган ташқи қарз маблағлари шаклига тўғри келадими?
24.	Хорижий валютада ресурс олиб, миллий валютада кредит берилганда қандай риск юзага келади?
25.	СОФР ставкаси нимани англатади?
26.	Евробондлар орқали қарз жалб қилишнинг асосий устунлиги нимада?
27.	Евробондлар орқали маблағ жалб қилишда асосан кимлар инвестор сифатида иштирок этишади?
28.	СОФР ставкасига асосланган қарзнинг асосий хусусияти нимада?
29.	Глобал молия бозорларида фоиз ставкалари ошиши кутилмоқда. Мазкур шароитда банк халқаро капитал бозорида евробонд чиқариш орқали маблағ жалб қилиш имкониятини кўриб чиқмоқда. Евробондлар АҚШ доллариди, ўзгарувчан фоиз ставкасида (СОФРга боғланган) ва 7 йил муддатга чиқарилиши режалаштирилган. Ушбу вазиятда банк учун қандай эҳтимолий риск мавжуд?
30.	Мамлакатда жорий ҳисоб дефицити мавжуд шароитда марказий банк рағбатлантирувчи монетар сиёсат олиб борса, энг

	эҳтимолий натижа қандай бўлиши мумкин?
31.	Соф халқаро инвестицион позиция қандай ҳисобланади?
32.	Қандай ҳолатда мамлакат «соф кредитор» ҳисобланади?
33.	1 АҚШ доллари сотиб олиш учун 12 600 сўм сарфланди, агарда 1 еврога 13 400 сўм сотиб олиш мумкин бўлса, 200 АҚШ долларига неча евро сотиб олиш мумкин?
34.	Валюта интервенцияси нима?
35.	Аҳмад Британияда ишлайди. У ҳар ой уйига 70 фунд стерлинг жўнатади. Унинг оиласи ҳар сафар пулни қабул қилиб олишганида 40 фундстерлингни доллар валютасига айирбошлаб қўйишади. Ҳар бир фундстерлинг 1.56 долларгага тенг ва валюта курси ўзгармас бўлса, 8 ойдан кейин Аҳмаднинг оиласида тахминан қанча доллар захираси мавжуд бўлади?
36.	Хитой Халқ Республикасида сотилаётган иПад нархи ¥2500, худди шу маҳсулот нархи Германияда €300. Валюта айирбошлаш нисбати €1=¥8.85 га тенг бўлса, қайси давлатда айнан шу иПадни сотиб олиш арзонроқ бўлади?
37.	Ўзбекистон Республикаси валюта қонунчилигига кўра «капитал ҳаракати билан боғлиқ операция»га мисол келтиринг.
38.	Жисмоний шахслар валюта айирбошлашни қаерда амалга ошириши мумкин?
39.	Валюта курсининг кескин ўзгариши макроиктисодиётга қайси йўл билан таъсир кўрсатади?
40.	Банкда АҚШ доллари сотиб олиш курси 12 550 сўм, сотиш курси 12 650 сўм. Спреад неча сўмни ташкил этади?
41.	Мижоз Россиядан Ўзбекистонга 500 АҚШ доллари эквивалентида пул ўтказди. Комиссия 2% бўлса, олувчи қанча доллар олади?
42.	Валюта айирбошлаш операцияларида «спреад» нимани англатади?
43.	Валюта айирбошлаш операциясини амалга оширишда жисмоний шахсдан қайси асосий ҳужжат талаб этилиши мумкин?
Халқаро захираларни бошқариш департаменти	
1.	Ўзбекистоннинг халқаро захиралари асосан қайси активларга инвестиция қилинган?
2.	Захираларни етарлилик даражаси қандай кўрсаткичлар орқали баҳоланади?
3.	Нима учун марказий банклар олтин-валюта захираларини диверсификация қилади?
4.	Тўлов балансидаги дефицит захираларга қандай таъсир қилади?
5.	Валюта интервенцияси қандай ҳолатларда амалга оширилади?
6.	Захираларни бошқаришда ликвидлик, хавфсизлик ва даромадлилик ўртасида қандай мувозанат сақланади?
7.	Валюта курсининг эркин ва тартибга солинган режимлари захираларга қандай таъсир қилади?
8.	Давлат облигациялари нега хавфсиз актив сифатида қаралади?
9.	Дюрация тушунчаси нима ва у қандай қўлланилади?
10.	Фоиз ставкаси ўзгариши билан боғлиқ хатар нима ва уни қандай бошқариш мумкин?

11.	Валюта рискларини хеджирлаш усуллари тушунтиринг
12.	Инвестицион портфелларни диверсификацияси нима ва у захиралар бошқарувида қандай аҳамиятга эга?
13.	Суверен риск нима ва у инвестиция қарорларига қандай таъсир қилади?
14.	Халқаро рейтинг агентликларининг кредит рейтинг баҳоси инвестиция жараёнида қандай аҳамиятга эга?
15.	Реал ва номинал фоиз ставкаларнинг фарқи нимада?
16.	Ўртача қиймат (меан), медиана ва мода ўртасидаги фарқни тушунтиринг
17.	Стандарт четлашиш (стандарт девиатион) нима ва у рискни қандай акс эттиради?
18.	Марказий банкнинг асосий функциялари нималардан иборат?
19.	Монетар сиёсат ва Фискал сиёсат қандай фарқланишини тушунтириб беринг
20.	Монетар сиёсатнинг асосий инструментларини тушунтириб беринг
21.	Монетар сиёсат инструментлари иқтисодиётда юқори инфляцион босимни жоловлашда қандай трансмиссион механизлар орқали таъсир қилади?
22.	Валюта бозорида спекуляция қандай таъсир кўрсатади?
23.	Молиявий хосилавий инструментлар нима ва уларнинг асосий турлари қайсилар?
24.	Форвард ва Фьючерс контрактлари ўртасидаги асосий фарқ нимада?
25.	Опционлар (кол ва пут) қандай ишлайди?
26.	Дериватив инструментларни хеджирлаш ва спекуляция учун қандай ишлатса бўлади?
27.	Своп шартномалари қандай қўлланилади?
28.	Брокер билан диллернинг асосий фарқлари нимада?
29.	Спред нима ва у нимага боғлиқ?
30.	Молиявий бозорлар ликвидлилиги қандай баҳоланади?
31.	Операцион риск қандай юзага келади, тушунтириб беринг?
32.	Молиявий инструментлар нархларини техник таҳлили қандай амалга оширилади?
33.	Фундаментал таҳлил нима ва у нималарга асосланади?
34.	Геосиёсий риск нима ва молиявий бозорларга таъсири қандай?
35.	Фундаментал ва техник таҳлилни биргаликда қандай қўллаш мумкин?
36.	Базел халқаро стандартлари нима ва уларнинг аҳамияти қандай?
37.	Базел стандартларига мувофиқ банкларнинг капитал етарлилиги ва ликвидлилиги қайси кўрсаткичлар асосида баҳоланади, кўрсаткичлар қандай ҳисобланади, қандай минимал талаблар қўйилган?
38.	Инфляция ва валюта қиймати ўртасида қандай боғлиқлик бор?

39.	Агар АҚШ фоиз ставкалари ошса, бу АҚШ доллари курси ва бошқа валюталарга қандай таъсир қилади?
40.	Хеджирлаш стратегиясини амалий мисол билан тушунтиринг
41.	Иқтисодий инқироз вақтларида қайси активлар хавфсиз ҳисобланади?
42.	Агар захира портфелингиздаги асосий активлардан бири бўлган АҚШ давлат облигациялари даромадлилиги кескин ошса, портфель қийматига қандай таъсир қилади ва қандай чора кўрасиз?
43.	Агар бир вақтнинг ўзида бир нечта глобал рисклар (геосиёсий инқироз, нефть нархи ошиши, фоиз ставкалари ўсиши) юзага келса, портфелни қандай ҳимоя қиласиз?
44.	Агар портфелингиздаги активлар ўртасида корреляция кризис пайтида кескин ошса, диверсификация стратегиясини қандай қайта кўриб чиқасиз?
45.	АҚШ доллари индекси қайси валюталар асосида аниқланади, улушлари қандай?
46.	Молиявий ҳисобот ва бошқарув (менежериял) ҳисоботи ўртасидаги фарқ?
47.	Молиявий ҳисоботнинг қандай турлари мавжуд?
48.	Банкнинг ҳамда корхоналар молиявий ҳисоботи ўртасидаги асосий фарқни тушунтириб беринг
49.	Акция ва облигация қандай фарқланади, акцияларнинг қандай турлари бор ва қандай фарқланади, уларнинг даромадлик манбаларини тушунтириб беринг
50.	Операцион, инвестицион ва молиявий пул оқимлари ўртасидаги фарқни тушунтириб беринг
Хавфсизлик департаменти	
1.	Банк объектларида хавфсизликнинг асосий мақсади нима?
2.	Банк муассасаларидаги хизмат хоналари уларда амалга ошириладиган операцияларнинг моҳияти ва йўналишига қараб нечта кириш ҳудудига бўлинади?
3.	Касса тармоғига киришга рухсат берувчи шифр-белгилар ким томонидан қўйилади ва сақланади?
4.	Банкларда неча хил рухсатномалар мавжуд?
5.	Банк муассасасига рухсатномалар асосида кириб-чиқиш тартибини ташкил этиш ва юритиш кимларга маълум бўлиши керак?
6.	Банкнинг қайси ҳудудларига видеокузатув камераларини ўрнатиш ман этилади?
7.	Банкга ўрнатилган видеокузатув мосламаларидаги видеоёзув материаллари видеоархивда камида неча ой муддат сақланади?
8.	Пул омборлари ва кечки касса пул омбори қўриқлаш сигнализациясининг нечта ҳимоя тўсиқлари билан жиҳозланади?
9.	Қайси камера тури тунда ҳам тасвирни кўришга имкон беради?
10.	ДВР нима?

11.	Смарт кузатув тизими нимани англатади?
12.	Қайси камера тури айланиш, эгилиш ва яқинлаштириш хусусиятига эга?
13.	ИП камералар қандай ишлайди?
14.	Бинога кириб чиқишни назорат қилиш тизимларининг асосий вазифаси нимадан иборат?
15.	Сигнализация тизими нима учун хизмат қилади?
16.	Шиша синишини аниқловчи датчик нима учун керак?
17.	Сервер хонасига кириш тартиби қандай бўлиши керак?
18.	Қўриқлаш пульти нима вазифа бажаради?
19.	Турникетнинг асосий вазифаси?
20.	СКУД тизими нимани англатади?
21.	Металлодетектор нима учун ўрнатилади?
22.	Захира электр таъминоти нима учун керак?
23.	Ҳаракат сенсори нима вазифа бажаради?
24.	Турли тизимларнинг бирлашуви қандай аталади?
25.	Хавфсизлик текширувининг биринчи босқичи?
26.	Ахборот хавфсизлиги сиёсати (Информацион Сесуритй Полисй) нима ва унинг асосий мақсади нима?
27.	Конфиденциал маълумотлар тушунчаси ва укарни муҳофаза қилиш тартиби қандай?
28.	Киберхавфсизлик инцидентлари (Сйбер инсидентс) турлари ва улар ҳақида кимга хабар бериш тартиби қандай?
29.	Фойдаланувчиларни аутентификация ва авторизация қилишда қайси воситалар қўлланилади?
30.	Зеро Труст Арчитестуре тамойили нимани англатади ва ташкилотда қандай жорий этилган?
31.	Ахборот тизимларида захиралаш (баскуп) ва тиклаш (ресоверй) жараёнлари қандай амалга оширилади?
32.	Тармоқ хавфсизлиги воситалари (фиреуалл, ИДС/ИПС, СИЕМ) қандай роль ўйнайди?
33.	Ходимларнинг кибер гигиена (сйбер ҳйгиене) қоидаларига риоя қилиши нимани ўз ичига олади?
34.	Ташкилотда ахборот хавфсизлиги сиёсатини бузган ходимга нисбатан қандай чоралар кўрилади?
35.	Банк сири қонунига мувофиқ кимлар учинчи шахс ҳисобланади?
36.	Антивирус нима қилади?
37.	Реал-тима протестион нима?
38.	Вирус ва малваре фарқи?
39.	Нега антивирусни янгилаб туриш керак?
40.	Компьютерда вирус борлигини қандай билса бўлади?

41.	Астиве Диресторй нима?
42.	Домаин ва Воркгроуп фарқи?
43.	ЛДАП нима учун керак?
44.	Гроуп Полисй (ГПО) нима қилади?
45.	Фойдаланувчини доменига қандай қўшилади?
46.	Кучли пароль қандай бўлади?
47.	Пҳишинг нима?
48.	2ФА нима?
49.	Номаълум линк очиш хавфи?
50.	Маълумотларни қандай ҳимоя қилиш мумкин?
Юридик департаменти	
1.	Юридик хизмат ходимлари фаолиятини тартибга солувчи асосий қонун ҳужжатларини санаб беринг
2.	Юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари
3.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарорига асосан юридик хизмат ходимларига қандай имтиёзлар яратилган?
4.	Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишлари
5.	Юридик хизмат ходимини стажировкадан ўтказиш тартиби
6.	Юридик хизмат ходимининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишдаги иштироки
7.	2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг асосий мазмунини айтиб беринг
8.	Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг турлари ва шакллари
9.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси ва турлари
10.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати
11.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга расмий шарҳ бериш тартиби
12.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш тартиби
13.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи қандай давлат органлари мавжуд?
14.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси деганда нима тушунилади?
15.	Вазирлик, идоралар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳуқуқий ворислик деганда нимани тушунаси?
16.	Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тушунтириб беринг
17.	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш

	тартибини айтиб беринг
18.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш тартиби
19.	Гендер-ҳуқуқий экспертиз деганда нимани тушунасиш
20.	Туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш учун ташкил этилган Юридик хизмат кўрсатиш марказлари ҳақида нималарни биласиз?
21.	Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали регулатион
22.	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қарорларни қайта кўриб чиқиш
23.	Ижтимоий шериклик нима? Унинг давлат хусусий шерикчилиги билан ўзаро фарқи
24.	Парламент назорати деганда нимани тушунасиш?
25.	Электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари
26.	Ҳуқуқий экспертиза нима?
27.	Медиасия тушунчасига таъриф беринг
28.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини уни қабул қиладиган органга киритиш тартиби
29.	Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий негилизм тушунчасига таъриф беринг
30.	Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш деганда нимани тушунасиш?
31.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари нималардан иборат?
32.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг қандай сиёсий ҳуқуқлари белгиланган?
33.	Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати қандай қоида ва нормаларга асосланган?
34.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг қандай шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари белгиланган?
35.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қандай иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар белгиланган?
36.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари қандай?
37.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ фуқароларнинг бурчлари нималардан иборат?
38.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ жамиятнинг иқтисодий негизлари нималардан иборат?
39.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши қандай?
40.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини шакллантириш тартиби
41.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлоқ ваколатларига нималар киради?
42.	Қонунларни қабул қилиш ҳамда кучга кириш тартиби
43.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланиш учун фуқароларга қандай талаблар қўйилган?

44.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақоми ва ҳукумат аъзоларини шакллантириш тартиби
45.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Бош вазирга ишончсизлик вотумини билдириш асоси ва тартиби қандай?
46.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг асосий вазифалари сифатида нималар кўрсатилган?
47.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ҳокимларнинг ваколат муддати ҳамда тайинланиш тартиби
48.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар қандай тартибда киритилади?
49.	Кимлар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга?
50.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қандай ҳужжатлар қабул қилинади?
51.	Ўзбекистон Республикасида сайлов тизимини айтиб беринг
52.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ молия-кредит ҳамда банк тизими
53.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ судьяларга қўйиладиган талаблар
54.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи ҳақида гапириб беринг
55.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ суд тизими ҳақида гапириб беринг
56.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг вазифалари
57.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди қандай ишларни амалга оширади?
58.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари қандай вазифаларни амалга оширади?
59.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Марказий сайлов комиссиясини шакллантириш тартиби
60.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ қандай жамоат бирлашмаларини тузиш тақиқланади?
61.	Фуқаролик қонун ҳужжатларини вақт бўйича амал қилиши
62.	Юридик шахс тушунчаси ва турлари
63.	Ашёвий ҳуқуқ нима? Унга нималар киради?
64.	Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари?
65.	Битим тушунчаси, турлари ҳамда шакллари айтиб беринг
66.	Битим ва шартномаларнинг фарқли жиҳатларини айтиб беринг
67.	Даъво муддати тушунчаси
68.	Эмансипация тушунчаси

69.	Мажбурият тушунчаси ва мажбуриятнинг тарафлари
70.	Даъво муддатини жорий қилишга қўйиладиган талабларни санаб ўтинг
71.	Гаров тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари
72.	Субсидиар жавобгарлик деганда нима тушунилади?
73.	Насионализасия нима? Унинг реквизициядан фарқи нимада?
74.	Муаллифлик ҳуқуқи объекти ва унинг турлари
75.	Фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда муомала лаёқати
76.	Ходимнинг асосий меҳнат ҳуқуқларига нималар киради?
77.	Меҳнат шартномаси тушунчаси
78.	Меҳнат шартномаси қандай шаклда ва қандай муддатга тузилади?
79.	Жамоа шартномаси тузиш тартиби
80.	Ишга қабул қилишда дастлабки синов муддати тушунчаси ва дастлабки синов муддати кимларга татбиқ этилмайди?
81.	Қайси сабаблар (асослар) мавжуд бўлганда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли ҳисобланади?
82.	Меҳнат шартлари деганда нима тушунилади, қайси ҳолларда иш берувчи меҳнат шартларини ходимнинг розилигисиз ўзгартиришга ҳақли?
83.	Меҳнат шартномасини бекор қилиш юзасидан огоҳлантириш бериш тартиби
84.	Қайси ҳолларда меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганида касаба уюшмаларининг розилиги олинмайди?
85.	Меҳнат шартномасининг тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши
86.	Меҳнат қонунчилиги бўйича аёлларга берилган имтиёзлар
87.	Интизомий жазо чораларининг турлари ва интизомий жазонинг амал қилиш муддати
88.	Интизомий жазоларни қўлланиш тартиби қандай?
89.	Меҳнат қонунчилиги бўйича йиллик асосий таътил бериш тартиби
90.	Меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари деганда нимани тушунаси?
91.	Шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари
92.	Хўжалик шартномаси тушунчаси
93.	Қачон шартнома тузилган ҳисобланади?
94.	Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асослари, тартиби ва унинг оқибатлари
95.	Хўжалик шартномасига қўйилган асосий талаблар

96.	Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахсларга нисбатан қандай жавобгарлик чоралари кўрилади?
97.	Оммавий шартнома нима?
98.	Оферта ва акцепт нима?
99.	Оммавий оферта нима ?
100.	Шартноманинг шакли
101.	Маҳсулот етказиб бериш шартномаси ва унинг амал қилиш муддати
102.	Талабнома билдириш тартиби
103.	Шартнома шартларини бажармаганлик учун жавобгарлик
104.	Хўжалик шартномасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби
105.	Давлат харидлари бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини турларини санаб беринг
106.	Талабнома билдиришни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари
107.	Кўчмас мулкни сотиш шартномаси ва унинг шакли
108.	Корхонани сотиш шартномаси тушунчаси
109.	Мулк ижараси шартномаси ва унинг объектлари тушунчаси
110.	Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси тушунчаси
111.	Корхонани ижарага бериш шартномаси тушунчаси
112.	Лизинг шартномаси, унинг объекти ва субъектлари
113.	Қурилиш пудрати шартномаси нима?
114.	Давлат харидлари доирасида электрон дўкон орқали қандай товарларни харид қилишга йўл қўйилади
115.	Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидларини амалга ошириш деганда нимани тушунасиз?
116.	Олти-сотди шартномасининг субъектлари кимлар?
117.	Ҳадя шартномасига таъриф беринг
118.	Айирбошлаш шартномаси нима?
119.	Давлат харидлари жараёни қандай босқичларни ўз ичига олади
120.	Давлат бошқарув органларининг шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасидаги ваколатлари
121.	Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг асосий вазифалари
122.	Судларга тегишлилик ва тааллуқлилик тушунчаларини ёритиб беринг
123.	Маъмурий судловга тааллуқли ишлар
124.	Фуқаролик судловга тааллуқли ишлар
125.	Ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш асослари

126.	Фуқаролик просессуал муомала лаёқати тушунчаси
127.	Фуқаролик ишларини кўришда даъвонинг баҳоси нималарга асосан белгиланади?
128.	Қандай ҳолатлар бўйича шахс фуқаровий даъвогар деб эътироф этилади?
129.	Фуқаровий даъвогарнинг ҳамда фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?
130.	Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркиби
131.	Қайси ҳолларда фуқаролик суди иш юритишни тўхтатиб туриши шарт?
132.	Фуқаролик просессда аризани кўрмасдан қолдириш асослари
133.	Фуқаролик ишлари бўйича судда иш юритишни тугатиш асослари ва тартиби
134.	Қайси ҳолларда фуқаролик ишлари бўйича суд аризани қабул қилишни рад этади?
135.	Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарори мазмуни
136.	Қандай ишлар иқтисодий судларга тааллуқли?
137.	Иқтисодий суд томонидан ҳал этиладиган низолар
138.	Иқтисодий судга бериладиган даъво аризасининг шакли ва мазмуни
139.	Иқтисодий суд даъво аризасини қабул қилишни қайси ҳолларда рад этади?
140.	Иқтисодий суд апелляция инстанциясининг ваколатлари ҳамда унинг қарорларини қонуний кучга кириши
141.	Иқтисодий судга кассасия шикоятини (протестини) бериш тартиби ва унинг мазмуни
142.	Судьялар номзодига қўйиладиган талаблар
143.	Судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби
144.	Судьялар дахлсизлиги қандай таъминланади
145.	Ҳакамлик судлари қандай ишларни кўради?
146.	Кимлар ҳакамлик суди судьяси бўлиши мумкин?
147.	Суднинг ҳал қилув қарорини қабул қилиш жараёнлари ҳақида гапириб беринг
148.	Суд томонидан кўриб чиқиладиган, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар деганда нималарни тушунасиз?
149.	Чет эл фуқаролари ва ташкилотларининг қандай фуқаролик просессуал ҳуқуқлари мавжуд?
150.	«Ҳабеас Корпус» институти ҳақида нималарни биласиз?
Инспекция департаменти	
1.	Банклар ва нобанк кредит ташкилотлари учун устав капиталининг (фондининг) минимал миқдори қанча?
2.	Регулятив капитал нима. Регулятив капиталнинг монандлик коэффициенти қандай ҳисобланади ва у неча фоиздан кам бўлмаслиги керак?

3.	Банкнинг И даражали капитали таркиби. И даражали капиталнинг монандлик коэффициенти қандай ҳисобланади ва у неча фоиздан кам бўлмаслиги керак?
4.	Банкнинг И даражали асосий капитали таркиби, И даражали асосий капиталнинг монандлик коэффициенти қандай ҳисобланади ва у неча фоиздан кам бўлмаслиги керак ?
5.	Банкнинг И даражали қўшимча капитали таркибига нималар киради ?
6.	Банкнинг ИИ даражали капитали таркибига нималар киради ?
7.	Левераж кўрсаткичи деганда нимани тушунасиш. Левераж коэффициентининг энг кичик даражаси неча фоиз миқдорида ўрнатилган?
8.	Банк ликвидлилиги деганда нимани тушунасиш ва банкларга ликвидлилик бўйича қандай нормативлар ўрнатилган ?
9.	Лаҳзали ликвидлилик коэффициенти нима, у қандай ҳисобланади ва неча фоиздан кам бўлмаслиги керак ?
10.	Ликвидлиликни қоплаш коэффициенти (ЛСР) нима, у қандай ҳисобланади ва неча фоиздан кам бўлмаслиги керак ?
11.	Соф барқарор молиялаштириш коэффициенти (НСФР) нима, у қандай ҳисобланади ва неча фоиздан кам бўлмаслиги керак?
12.	Банкларнинг юқори ликвидли активларига нималар киради ва Марказий банк томонидан унинг миқдorigа нисбатан қандай талаб ўрнатилган?
13.	Ўзаро алоқадор қарз олувчилар деганда нимани тушунасиш ?
14.	Банкларга бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори бўйича қандай нормативлар ўрнатилган ?
15.	Йирик таваккалчилик деганда нимани тушунасиш. Банкларга йирик таваккалчиликларнинг умумий миқдори бўйича қандай норматив ўрнатилган ?
16.	Кимлар банкка алоқадор шахслар ҳисобланади ?
17.	Банкка алоқадор битта шахсга ҳамда банкка алоқадор бўлган барча шахсларга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг кўп миқдори бўйича қандай нормативлар мавжуд?
18.	Банкларнинг қимматли қоғозларни харид қилиш ва юридик шахсларнинг устав капиталида улушли иштирок этишлари бўйича қандай нормативлар мавжуд ?
19.	Банкларнинг кўчмас мулкка қилган жами инвестициялари миқдorigа нисбатан қандай норматив ўрнатилган ?
20.	Микрокредит ташкилотлари капиталининг монандлиги бўйича қандай норматив ўрнатилган ?
21.	Ломбардлар томонидан жалб этиладиган маблағлар ҳажмига нисбатан қандай норматив ўрнатилган ?
22.	Валюта позицияси нима? Марказий банк томонидан банкларга валюта позициялари бўйича қандай нормативлар ўрнатилади?
23.	Банклар, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан қарз юки кўрсаткичи қачон ҳисобланади. Марказий банк

	томонидан қарз юки ўсишини чеклаш бўйича қандай меъёрлар ўрнатилган ?
24.	Қарз юки кўрсаткичи нима?
25.	Пруденциал талабларнинг асосий мақсади
26.	Банк рискларини бошқариш тизимининг асосий масъулияти ким зиммасида бўлади?
27.	Тижорат банкларининг риск профили деганда нимани тушунаси?
28.	Тижорат банкларининг риск-аппетити деганда нимани тушунаси?
29.	Тижорат банкларида таваккалчиликларни бошқариш тизими нечта ҳимоя чизиғига эга бўлиши лозим?
30.	Банк стратегияси, энг аввало, нимага мос бўлиши лозим?
31.	Тижорат банкларида Кредит rischi деганда нимани тушунаси?
32.	Тижорат банкларида ликвидлилик таваккалчилиги деганда нимани тушунаси?
33.	Тижорат банкларида Операцион rischi деганда нимани тушунаси?
34.	Банк кузатув кенгашининг асосий роли нимадан иборат?
35.	Ички назорат тизимининг асосий вазифаси?
36.	Марказий банк назоратининг стратегик мақсади нимадан иборат?
37.	Тизимли аҳамиятга эга банк тушунчаси нимани англатади?
38.	Банк фаолиятини чеклаш чораси, одатда, қачон қўлланилади?
39.	Марказий банкнинг инспекция ва текшириш ўтказишни амалга оширувчи бўлинмаларининг ваколатлари, уларнинг мажбуриятларини тақсимлаш ким томонидан белгиланади?
40.	Қандай ҳолларда Марказий банк томонидан назорат қилиниши лозим бўлган шахсларда инспекция (текширув) ўтказилади?
41.	Банк сири нима?
42.	Банк сири бўйича учинчи шахслар кимлар ҳисобланади?
43.	Тижорат банкларининг активлари сифатига кўра қандай тоифаларга таснифланади?
44.	Муаммоли активлар тушунчаси нимани англатади ?
45.	Тижорат банкларида активлар жами қийматига нисбатан қанча миқдорда захира шакиллантирилади?
46.	Тижорат банкларида активлар жами қийматига нисбатан захиралар нима ҳисобидан шакиллантирилади?
47.	Тижорат банкларида қайси ҳолатларда активларнинг сифати «шубҳали» деб таснифланади?
48.	Тижорат банклари томонидан «Умидсиз» активлар баланс ҳисобварақларидан балансдан ташқари ҳисобвараққа ўтказилгандан сўнг қанча муддат мобайнида балансдан ташқари моддаларда акс эттирилиши лозим?
49.	Банкларда Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг жами миқдорини аниқлаш формуласини белгиланг

50.	Банкларда бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлари режасига кўра банк ҳисобварақлари қандай категорияларга бўлинади?
Банкларни пруденциал назорати департаменти / Банклардаги муаммоли активларни мониторинг қилиш хизмати / Банкларда рискларни назорат қилиш департаменти	
1.	Банк хизматлари ва операцияларининг аутсорсинги деганда нимани тушунаси?
2.	Банкнинг ликвидлилиги деганда нимани тушунаси?
3.	Қуйидаги қайси ҳолатларда Марказий банк банкларнинг регулятив капитали миқдорини оширишни талаб қилишга ҳақли?
4.	Қандай ҳолатлар хавфли ва носоғлом банк амалиёти ҳисобланади?
5.	Банк активлари сифати қандай тоифаларда таснифланади ва улар бўйича шакллантириладиган захира миқдори қандай?
6.	Ликвидлиликини қоплаш меъёрига қўйилган минимал талаблар қандай?
7.	Тижорат банкининг йиллик молиявий ҳисоботини тақдим қилишга қайси орган жавобгар ҳисобланади?
8.	Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунига асосан банк кенгаши ваколатига қуйидагиларнинг қайси бири киради?
9.	Қайси омил банкнинг узоқ ва қисқа муддатли бизнес-мақсадларини унинг барқарорлик ва капитал етарлилиги бўйича мақсадлари билан боғлашга имкон беради?
10.	Агар банк томонидан кредит берилиши жараёнида кредитор қарз олувчидан кафиллик ёки кафолат кўринишида таъминот талаб қилса, рискларни бошқаришда қандай ёндашувдан фойдаланилади?
11.	Рискларга нисбатан банкнинг ҳаддан ташқари консерватив ёндашуви нимага олиб келиши мумкин? (бир неча жавоблар бўлиши умкин)
12.	Рискни бошқаришда «Уч чизиқли ҳимоя» концепциясининг моҳияти нимадан иборат?
13.	Кредит таваккалчилиги (риски) нима?
14.	Ликвидлилики таваккалчилиги (риски) нима?
15.	Стресс-тест нима?
16.	Банк риск моделида нечта ҳимоя линияси бўлиши керак?
17.	Таваккалчиликларни бошқаришнинг самарали тизими қандай принципларга жавоб бериши керак?
18.	Банкнинг бизнес-модели нима?
19.	Таваккалчилик лимитлари нима?
20.	Операцион таваккалчилик нима?
21.	Кредит таваккалчилиги деганда нимани тушунаси?
22.	Ликвидлилики таваккалчилиги деганда нимани тушунаси?
23.	Стресс-тест таҳлили нимани англатади?

24.	Банк риск моделида нечта ҳимоя линияси мавжуд бўлиши шарт?
25.	Таваккалчиликларни бошқариш тизими қандай асосий принципларга мувофиқ бўлиши керак?
26.	Банкнинг бизнес-модели тушунчасига тўғри таъриф беринг
27.	Ўзаро алоқадор қарз олувчилар деганда нимани тушунасиш?
28.	Самарали таваккалчилик тузилмаси бўлиши учун у энг камида қандай рискларни қамраб олиши керак?
29.	Қандай валюта асосий валюта деб ҳисобланади?
30.	Левераж коэффицентининг энг кичик даражаси неча фоиз миқдорида ўрнатилган?
31.	Левераж кўрсаткичи деганда нимани тушунасиш?
32.	Соф барқарор молиялаштириш коэффицентига қўйилган минимал талаблар қандай?
33.	Базел ИИИ стандартларига асосан банкларнинг капитали ва ликвидлилиги талаблари бўйича қандай асосий янгиликлар жорий этилди?
34.	Капиталга нисбатан қандай қўшимча буферлар жорий этилди?
35.	Банк ликвидлилиги тушунчасига тўғри таъриф беринг
36.	Йирик таваккалчилик деганда нимани тушунасиш?
37.	Банкларга йирик таваккалчиликларнинг умумий миқдори бўйича қандай норматив ўрнатилган?
38.	Активнинг жами қиймати деганда нима тушунилади?
39.	Харидор томонидан банк сотиб олинишида унинг соф активлари қийматидан ортиқ тўланадиган сумма нима деб аталади?
40.	Банкка алоқадор битта шахсга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг кўп миқдори қанча?
41.	Банкка алоқадор бўлган барча шахсларга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг кўп миқдори қанча?
42.	Қўшилган капитал нима?
43.	Капитал таркибига оид тўғри фикрни топинг
44.	Қуйидагилардан қайси бири И даражали капитал таркибига киритилмайди?
45.	ИИ даражали капиталнинг қандай қисми регулятив капитал таркибига киритилмайди?
46.	Муаммоли активларга қуйидагилардан қайси бири киради?
47.	Капитал монандлигига (етарлилигига) қўйилган амалдаги талаблар қандай?
48.	Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти қандай аниқланади?
49.	Банклар ўзларининг ликвидлилик ҳолатларини қанча муддатда стресс-тестдан ўтказишлари лозим?
50.	Банк капиталидан самарали фойдаланиш коэффиценти (иммобилизация коэффиценти) қандай ҳисобланади?

Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат департементи

1.	Марказий банк инфляция бўйича қарор қабул қилди. Бу қарорни аҳолига тушунтириш учун қандай коммуникация
----	---

	стратегияси ишлаб чиқиш зарур?
2.	Давлат ташкилоти коммуникациясининг асосий мақсади нимадан иборат?
3.	Коммуникация кампанияси муваффақияти қандай КПИлар орқали баҳоланади?
4.	Бир хил хабарни аҳоли, журналист ва экспертларга қандай усулларда етказиш керак?
5.	Марказий банкка нисбатан ишончни ошириш учун қандай ташаббусларни таклиф қилган бўлардингиз?
6.	Телеграм каналларда «банклар ёпиляпти» деган фейк хабар тарқалди. Биринчи 60 дақиқа ичида қандай ҳаракат қиласиз?
7.	Марказий банк раҳбарининг гаплари ижтимоий тармоқларда нотўғри талқин қилинди. Вазиятни қандай бошқариш зарур?
8.	Ахборот инқирозида биринчи навбатда тезкорлик муҳимми ёки аниқлик? Нега?
9.	Кризис пайтида қайси маълумотларни дарҳол эълон қилиш мумкин эмас?
10.	Ишончни йўқотган аудитория билан қайта коммуникацияни қандай йўлга қўйиш зарур?
11.	«Асосий ставка 1 фоизга оширилди» мавзусида аҳоли учун 50 сўзли хабар ёзинг
12.	Ушбу сарлавҳани қандай кўринишда ўзгартириш мумкин: “Марказий банк навбатдаги қарорни қабул қилди
13.	Мураккаб иқтисодий атамани 16 ёшли ўқувчи тушунадиган тилда изоҳлаб беринг
14.	Матбуот релизида энг муҳим маълумот қайси қисмда жойлашиши керак?
15.	Қайси ҳолатларда расмий тилдан воз кечиб, соддароқ тилдан фойдаланиш керак?
16.	Журналист расмий эълон қилинмаган маълумотни сўраса, қандай жавоб берасиз?
17.	Матбуот анжумани ташкил қилишда энг кўп учрайдиган хатолар нималар?
18.	Қандай журналистни профессионал деб баҳолайсиз?
19.	Медиа мониторинг натижалари раҳбариятга қандай тақдим этилиши керак?
20.	Нега баъзи пресс-релизлар оммавий ахборот воситаларида чиқмайди?
21.	Марказий банк учун Телеграм, Инстаграм ва Линкедин платформаларида контент қандай фарқ қилиши керак?
22.	Вирусли контент ва фойдали контент ўртасида қандай фарқ бор?
23.	Бир ойлик контент режасини тузишда қайси омилларни ҳисобга оласиз?
24.	Нега баъзи расмий постлар кам кўрилади?
25.	Негатив изоҳларни ўчириш керакми?
26.	Пост 100 минг кўрилди, аммо жуда кам реакция олди. Бу нимани аңглатиши мумкин?
27.	Қандай ҳолатда кўп кўрилган контентни муваффақиятсиз деб баҳолаш мумкин?
28.	Аудитория эҳтиёжларини қандай ўрганасиз?
29.	Контент самарадорлигини баҳолаш учун қайси метрикалар муҳим?
30.	Коммуникация қарорларини қабул қилишда маълумотлар таҳлили қандай роль ўйнайди?

31.	Валюта курси кескин ўзгарди. Аҳоли орасида хавотир кучаймоқда. Коммуникация режангизни тушунтиринг.
32.	Блогер Марказий банк ҳақида нотўғри маълумот тарқатди. Нима қилиш зарур?
33.	Янги тўлов хизмати ишга туширилди. Уни оммалаштириш учун қандай кампания тайёрлайсиз?
34.	Фуқаро ижтимоий тармоқда банк тизимидан норози пост қолдирди. Қандай жавоб берасиз?
35.	Киберфирибгарликлар кўпайган пайтда аҳолини хабардор қилиш учун қандай контент ишлаб чиқасиз?
36.	Раҳбар матбуот учун жуда техник матн тайёрлади. Уни қандай қайта ишлайсиз?
37.	Раҳбар интервью беришдан олдин қандай тайёргарлик кўриши керак?
38.	Раҳбар билан журналист ўртасида баҳсли вазият юзага келса, қандай ҳаракат қиласиз?
39.	Раҳбар нотўғри маълумот айтса, қандай йўл тутасиз?
40.	Коммуникация бўлими раҳбарият учун қандай қиймат яратади?
41.	Давлат коммуникациясида энг муҳим тамойил қайси?
42.	Коммуникация мутахассиси учун энг муҳим 3 кўникмани айтинг
43.	Охирги бир йилда қайси ПР ёки коммуникация кампанияси сизга маъқул бўлди ва нега?
44.	Сунъий интеллект коммуникация соҳасини қандай ўзгартирмоқда?
45.	Келажакда давлат ташкилотлари коммуникацияси қайси томонга ривожланади деб ўйлайсиз?
46.	Нега биз айнан сизни ишга олишимиз керак?
47.	Сизнинг энг катта профессионал хатойингиз қандай бўлган?
48.	Агар раҳбарингиз фикрингизга қўшилмаса, қандай йўл тутасиз?
49.	Сиз тайёрлаган кампания муваффақиятсиз чиққан ҳолат бўлганми? Нима ўргангансиз?
50.	Агар бугун ишга қабул қилинсангиз, биринчи 90 кунда қандай натижа кўрсатишни режалаштирасиз?
Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш департаменти ва банкларни санация қилиш ва тугатиш бошқармаси	
1.	Банкни санация қилиш деганда нима тушунилади?
2.	Тўловга қобилиятсиз банк қайси ҳолларда санация қилинади ва қайси ҳолларда мажбурий тугатилиши мумкин?
3.	Банкни санация қилиш доирасида қандай кафолатлар берилиши мумкин?
4.	Банкни санация қилишни молиялаштиришнинг қандай манбалари мавжуд ва улардан қай тартибда фойдаланилади?
5.	Банкни санация қилишда қандай санация воситалар қўлланилиши мумкин?
6.	Санация жараёнида Марказий банк, Омонатларни кафолатлаш агентлиги ва Молиявий барқарорлик кенгашининг роли қандай?
7.	Санация қилиш жамғармаси нима ва унинг Ўзбекистондаги модели бошқа давлатлардаги моделлардан нимаси билан фарқ қилади?

61.	Ноаниқлик, волатиллик ва ишонч интервалларини сиёсий таҳлилда қандай тушунтириш керак?
62.	Бир нечта ўзгарувчининг биргаликдаги тақсимоти ва шартли кутилмалар прогнозлашда қандай аҳамият касб этади?
63.	Маълумотлардаги етишмовчилик, атипик кузатувлар ва ўлчаш хатолари таҳлил натижаларига қандай таъсир қилиши мумкин?
64.	Баесча ва классик статистик ёндашувлар иқтисодий қарорлар учун ноаниқликни баҳолашда қандай фарқ қилади?
65.	Сценарийлар, эҳтимоллик тақсимоTLари ва фан чарт орқали прогноз хатарларини қандай ифодалаш мумкин?
66.	Асосий компонентлар таҳлили ва факторлар орқали катта макроиктисодий маълумотлар тўпламини қандай қисқартириш мумкин?
67.	Юқори частотали индикаторлар асосида жорий иқтисодий фаолликни баҳолашда қандай статистик масалалар юзага келади?
68.	Прогноз хатолари, RMSE, MAE ва биас каби мезонлар прогноз сифатини баҳолашда қандай ишлатилади?
69.	Боотстрап, Монте-Карло симуляциялари ва қайта танлаш усуллари статистик ноаниқликни баҳолашда қандай қўлланилади?
70.	Статистик натижаларни визуализация қилишда аниқлик, соддалик ва нотўғри талқин хавфини қандай мувозанатлаш керак?
71.	Реал вақт маълумотлари ва маълумотларнинг қайта кўриб чиқилиши макроиктисодий қарор қабул қилишда қандай муаммолар келтириб чиқаради?

72.	Тўлов баланси нима?
73.	Тўлов балансининг жорий операциялар ҳисоби қандай қисмлардан ташкил топган?
74.	Миллий валюта қадрсизланиши тўлов балансининг жорий ҳисобига қандай таъсир қилади?
75.	Тўлов балансининг «Бирламчи даромадлар» таркибида қандай операциялар акс эттирилади?
76.	Тўлов балансининг Молиявий ҳисоби таркибий қисмларини санаб беринг.
77.	Халқаро нормаларга мувофиқ тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобланиши учун инвестор корхонанинг камида неча фоиз овоз берувчи акцияларига эгалик қилиши керак?
78.	Давлат бюджет харажатларини қисқартириши Тўлов балансининг жорий операциялар ҳисобига қандай таъсир кўрсатиши мумкин?
Тадбиркорликни ривожлантириш ва тармоқларни таҳлил қилиш департаменти / Худудий ва тадбиркорлик дастурлари ижросини мувофиқлаштириш департаменти	
1.	Тадбиркорлик субъектлари мезонлар асосида қайси тоифаларга ажратилган?
2.	Кичик тадбиркорлик субъектларининг тоифаларини айтиб беринг?
3.	Ўрта тадбиркорлик субъектларига таъриф беринг?
4.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратилишининг сабаби нима?
5.	Тижорат банклари ўз фаолиятларини қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан амалга оширади?
6.	Лизинг операциясини амалга оширишда кимлар қатнашади?
7.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 сентябрдаги ПФ-176-сон «Тадбиркорлик субъектларини янгича ёндашувлар асосида қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматлар мос жавобини кўрсатинг?
8.	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредит олишда ариза қандай тарзда топширилади ва бу жараённинг афзаллиги нимада?
9.	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратишда қайси банklar иштирок этади?
10.	Қайси шахс ёки фуқароларга ёшлар тушунчаси берилган?
11.	Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари қайсилар?
12.	Хотин-қизларга таълим кредитлари йиллик нечи фоиз ставкада ажратилади?
13.	Қишлоқ хўжалиги кооперативи нима?
14.	Дехқон хўжалиги деганда нима тушунилади?
15.	Дехқон хўжалиги ўз фаолиятини қайси йўналишларда амалга оширади?
16.	Қишлоқ хўжалигида кластер тизими деганда қандай фаолият тушунилади?

17.	Дехқон хўжалигини юритиш учун ижарага (иккиламчи ижарага) бериладиган ер участкаларига қандай имтиёзлар берилган?
18.	Маҳалла банкирининг асосий вазифаси нимадан иборат?
19.	«Ёрдамчи агентлар»нинг асосий вазифаси нимадан иборат?
20.	Маҳалла банкири томонидан тақдим этиладиган асосий хизматлардан бири нима?
21.	«Ягона ойна» тамойили нима дегани?
22.	Маҳалла банкири фаолияти орқали қандай натижага эришиш мақсад қилинган?
23.	Кредит маблағлари қайси йўналишларга ажратилмайди?
24.	Тижорат банки ва аризачи ўртасида кредит шартнома тузилиши жараёнини аниқ белгиланг?
25.	Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш тўғрисидаги қарор неча иш кунидан кеч бўлмаган муддатда қабул қилиниши лозим?
26.	Тўловлар банк томонидан неча банк иш куни давомида маҳсулот етказиб берувчига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади?
27.	«Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ–312-сонли қарорига кўра Дастур доирасида ажратиладиган кредитлар туман тоифасидан келиб чиққан ҳолда неча тоифага ажратилади?
28.	Қандай ҳолларда «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури доирасида микрокредит ажратиш таъқиқланади?
29.	Микрокредит берувчилар томонидан ажратилган ҳамда Компания ресурслари ҳисобидан қайта молиялаштирилмайдиган 100 миллион сўм доирасидаги гаровсиз микрокредитлар бўйича Компаниянинг портфель кафиллиги бўйича тўлаб бериш мажбурияти кредит қарздорлиги муддати ўтган санадан неча кун ўтгандан сўнг бажарилади?
30.	Микролойиҳаларда камида неча иш ўрни яратилиши лозим?
31.	Микролойиҳаларда фойдаланиладиган молиявий инструментлар ва микролойиҳани амалга оширувчи субъектларни белгиланг?
32.	ПҚ-49-сон Президент қарорига мувофиқ, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда асосий устувор йўналиш қайси?
33.	ПҚ-49 га асосан, маҳаллаларда янги иш ўринлари яратишда қайси ёндашув асосий ҳисобланади?
34.	Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бандликни таъминлашда «маҳаллабай» тизимининг асосий мақсади нима?
35.	ПҚ-49 доирасида аҳолининг бандлигини таъминлаш учун қайси тоифа шахсларга устувор эътибор қаратилган?
36.	Аҳолини бандликка жалб этишда микролойиҳаларнинг асосий афзаллиги нимада?
37.	ПҚ-49 ва бандликка оид қарорларга мувофиқ, банкларнинг маҳалладаги асосий вазифаси нимадан иборат?

38.	ПҚ-49-сон қарорга асосан аҳоли ва тадбиркорлар учун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида қандай имконияткар яратиб берилди?
39.	Аҳоли бандлигини таъминлашда тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий ижтимоий самараси нимада?
40.	Қишлоқ хўжалиги кредитларининг бошқа кредитлардан фарқи нимада?
41.	Фермер хўжаликларини кредитлашда асосий рисклар қайсилар?
42.	Қишлоқ хўжалигида суғуртанинг аҳамияти қандай?
43.	Нима учун айрим агрокредитлар муаммолига айланади?
44.	Қайси соҳаларни имтиёзли молиялаштириш иқтисодиёт учун самарали деб ҳисоблайсиз?
45.	Иқтисодий ҳисоботлар билан ишлаш тажрибангиз борми?
46.	Маълумотларни таҳлил қилишда қайси дастурлардан фойдалангансиз?
47.	Кредит тамойилларини санаб беринг?
48.	Марказий банк ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда асосан қайси вазифани бажаради?
49.	Ҳудудлар кесимида кредитлашни таҳлил қилишнинг асосий мақсади нима?
50.	Ҳудудий иқтисодий ривожланишда банк кредитларининг ўрни нимада?
51.	Ҳудудий ижтимоий инфратузилмага қайси соҳа киради?
52.	Ҳудудлар ривожидида кичик бизнесни кредитлаш нимага олиб келади?
53.	Ҳудудий кредит рисклари асосан нимага боғлиқ?
54.	Ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий номуаносиблик нимани англатади?
55.	Ҳудудий ривожланишнинг асосий молиявий кўрсаткичи қайси?
56.	Ҳудудларда банк филиаллари тармоғининг кенгайиши нимани таъминлайди?
57.	Ҳудудий ривожланишда инвестицион муҳит нимага боғлиқ?
58.	Ҳудудларда узок муддатли кредитлар асосан қайси соҳаларга йўналтирилади?
59.	Ҳудудий кредит портфели диверсификацияси нимани камайтиради?
60.	Ҳудудларда аҳоли даромадлари ошиши нимага олиб келади?
61.	Ҳудудий ривожланишда Марказий банк мониторингининг мақсади нима?
62.	Ҳудудий кредит сиёсати нимага мос бўлиши керак?
63.	Ҳудудларда кредитлаш ҳажмининг ўсиши нимани билдиради?
64.	Ҳудудий инвестиция лойиҳаларида асосий молиявий риск қайси?
65.	Ҳудудлар ривожидида давлат ва банклар ҳамкорлиги нимани таъминлайди?
66.	Ҳудудий кредитлашда фоиз ставкалари асосан нимага боғлиқ?

67.	Худудий иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи қайси?
68.	Худудларда молиявий инклюзия нимани англатади?
69.	Худудий кредитлаш самарадорлиги қайси кўрсаткич орқали баҳоланади?
70.	Худудларда иқтисодий фаоллик пасайиши нимага олиб келади?
71.	Худудий ривожланишда банк тизими нимага хизмат қилади?
72.	Худудлар кесимида таҳлил ўтказиш Марказий банкка нимани беради?
Уй-жой ва ипотека бозорини ривожлантириш бошқармаси	
1.	Ипотека кредити деганда нимани тушунамиз?
2.	Ипотека бозорининг ривожланиши нимага хизмат қилади?
3.	Марказий банк ипотека бозорида қайси ролни бажаради?
4.	Ипотека кредитининг асосий хусусияти қайси?
5.	Ипотека кредитида асосий гаров нима ҳисобланади?
6.	Ипотека кредитлари қайси қатлам учун муҳим?
7.	Ипотека бозорида фоиз ставкалари нимага таъсир қилади?
8.	Ипотека кредитларида асосий кредит rischi қайси?
9.	Ипотека кредитларининг узоқ муддатли бўлиши нимани талаб қилади?
10.	Ипотека бозори ривож қайси соҳани рағбатлантиради?
11.	Ипотека кредитларининг ЯИМга таъсири қандай?
12.	Ипотека бозорида субсидия беришнинг мақсади нима?
13.	Ипотека кредитида ЛТВ кўрсаткичи нимани билдиради?
14.	Ипотека портфели ҳаддан ташқари тез ўсиши нимага олиб келиши мумкин?
15.	Ипотека бозорини Марказий банк томонидан назорат қилиш сабаби нима?
16.	Ипотека кредитлари муддати одатда қанча бўлади?
17.	Ипотека бозорида секьюритизация нимага хизмат қилади?
18.	Ипотека кредитлари аҳоли турмуш даражасига қандай таъсир қилади?
19.	Ипотека бозорининг ривожланиши ижтимоий жиҳатдан нимани камайтиради?
20.	Ипотека кредитлари бўйича асосий институционал иштирокчи ким?
21.	Ипотека кредитларининг сифатини баҳолашда қайси омил муҳим?
22.	Ипотека бозорида талаб асосан нимага боғлиқ?
23.	Ипотека кредитлари иқтисодиётда қайси жараённи фаоллаштиради?

24.	Ипотека бозорини ривожлантириш учун қайси омил муҳим?
25.	Ипотека кредитларининг асосий ижтимоий аҳамияти нимада?
Тўлов тизимларини назорат қилиш департаменти / Тўлов тизимларини ривожлантириш департаменти	
1.	Ўзбекистон Республикаси тўлов хизматлари бозорида қандай миллий тўлов тизимлари фаолият олиб боради?
2.	Тўлов агенти ва тўлов субагентига тўғри таъриф беринг?
3.	Тўлов хизматларини етказиб берувчиларга кимлар киради?
4.	Электрон пулларга тўғри таъриф беринг?
5.	Тўлов хизматларидан фойдаланувчига тўлов хизмати тўлов агенти ёки тўлов субагенти томонидан қандай талабларга риоя этилган ҳолда кўрсатилади?
6.	Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти Марказий банкнинг қоидабузарликни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмасини бажармаган тақдирда Марказий банк қонун ҳужжатларига мувофиқ қандай санкцияларни қўллашга ҳақли?
7.	Замонавий масофавий банк хизматларини кўрсатишда қандай қўшимча рисклар вужудга келиши мумкин?
8.	Банклараро тўлов тизимининг иш вақти режими қандай?
9.	Замонавий тўлов воситаси бўлган электрон пуллардан қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин?
10.	Қонун ҳужжатларига мувофиқ банк тизимида нақд пульсиз ҳисоб-китобларда қайси турдаги тўлов ҳужжатлари қўлланилади?
11.	Биллинг тизими операторларининг Ҳисоб-китоблар клиринг (МУНИС) тизимига уланиш тартибини гапириб беринг
12.	Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган тўловлар бўйича якуний ҳисоб-китобни амалга ошириш тартиби қандай?
13.	Фармойишни (тўлов топшириғини) бажариш муддати қандай?
14.	Қонунчиликда савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари ҚР-код билан мажбурий таъминланиши бўйича талаблар мавжудми?
15.	«Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонун талабларига кўра, тўлов хизматларини етказиб берувчиларга нисбатан қандай талаблар белгиланган?
16.	Икки ва ундан ортиқ тўлов тизимларида ишлайдиган ва уларнинг логотипларини ўзида акс эттирган банк карталари қандай номланади?
17.	Банклар тўлов терминалини ажратиш бўйича мурожаатлар келиб тушганда неча иш куни ичида тўлов терминалларини ажратиши керак?
18.	Ўзбекистон Республикасида рақамли идентификация кимлар учун қўлланилади?
19.	Мижозларни рақамли идентификация қилишда кредит ва тўлов ташкилоти томонидан қандай усуллардан фойдаланилади?

20.	МСС-код(лар) ҳақида маълумот беринг.
21.	Қандай шахслар тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилотининг муассислари (иштирокчилари, акциядорлари) бўлиши мумкин эмас?
22.	Лицензиясиз фаолият олиб бораётган тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилотига қандай чоралар кўрилади?
23.	Марказий банк қандай ҳолларда тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотининг лицензиясини чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли?
24.	Тўлов тизим оператори қандай функцияларни бажаради? Узкард ва ХУМО миллий тўлов тизимлари ҳақида тушунчангиз?
25.	Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти тўлов тизимига ёки тўлов хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятга ўзгаришлар киритишни режалаштирган тақдирда қандай чоралар кўриши лозим?
26.	Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг устав фонди (устав капитали) нинг энг кам миқдори қанча миқдорда белгиланган?
27.	Тўлов ташкилоти тўлов хизматлари билан боғлиқ бўлмаган қандай фаолият билан шуғулланишга ҳақли?
28.	Электрон тўлов воситалари нимани аниqlатади?
29.	Халқаро молия институтлари, чет эл тўлов тизими операторлари, тўлов ташкилотлари ва бошқа кредит ташкилотлари ҳисобланмайдиган норезидент юридик шахслар ҳамда норезидент жисмоний шахсларнинг тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти устав фондидаги (устав капиталидаги) жами улуши неча фоиздан ошмаслиги керак?
30.	Қонунчилик мувофиқ тўлов хизматларини етказиб берувчи томонидан тўловларни амалга ошириш муддатлари? Бу талаб бузилса чоралар борми?
31.	Тўлов хизматларини етказиб берувчининг айби билан тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда қандай чоралар кўрилиши лозим?
32.	Ўзбекистон Республикасида нақд пульсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ, миллий валютадаги тўлов талабномалари ва инкассо топшириқномалари маблағларни тўловчининг қайси ҳисобварақларига тақдим этилиши мумкин?
33.	Тугатилаётган юридик шахснинг ҳисобварағидан маблағлар қандай шаклда ҳисобдан чиқарилади?
34.	Марказий банкнинг Тезкор тўловлар тизими ҳақида нималарни биласиз? Ушбу тизимда тўловларни амалга ошириш талаблари қандай?
35.	Банк карталарининг қандай турлари мавжуд? Улардан фойдаланиш қоидалари ҳақида нималарни биласиз?
36.	Тўлов тизими субъектлари томонидан ўрнатилган банкоматлар ва ўз-ўзига хизмат қилувчи қурилмаларни жиҳозлаш талаби ҳақида тушунчангиз
37.	Юридик шахсларнинг корпоратив банк карталарига қандай мақсадлар учун маблағлар кирим қилиниши мумкин эмас?

38.	Корпоратив банк карталари воситасида қандай тўловлар амалга оширилиши мумкин эмас?
39.	Қандай тўлов ҳужжатларида тўлов мақсади кўрсатилиши талаб қилинмайди?
40.	Масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари ҳақида нималарни биласиз?
41.	Банкларда операцион кун қандай режимни англатади?
42.	Тўлов талабномаларининг қандай турлари мавжуд?
43.	Аккредитивлар билан ҳисоб-китоблар ҳақида тушунчангиз, шунингдек аккредитив билан ҳисоб-китоблар банклар томонидан қайси баланс ҳисобварағида олиб борилади?
44.	Тўлов хизматлари турлари ҳақида маълумот беринг
45.	Эквайринг тушунчасига таъриф беринг
46.	Қандай карталар бизнес банк карталари ҳисобланади?
47.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пулларнинг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидаларига асосан электрон ҳамён тушунчасига таъриф беринг
48.	Инкассо тўлов топшириқномаси орқали ҳисоб-китоб қилиш тартибини тушунтириб беринг
49.	Қонунчиликка кўра тўлов хизматлари кўрсатилганлиги учун воситачилик ҳақини тўлов суммасидан ундириш тартиби ҳақида нималарни биласиз?
50.	ҚР-код тўловлари ҳақида тушунчангиз? Универсал ҚР-код тизимида тўловларни амалга ошириш хусусиятлари
Молиявий бошқарув ва бухгалтерия ҳисоби департаменти	
1.	Асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи ва иккиламчи ҳисобварақ ўртасида қандай фарқ мавжуд?
2.	Банк ҳисобварағи очишда банк ҳисобварағи шартномасида қандай муҳим шартлар назарда тутилиши лозим?
3.	Банклар томонидан тадбиркорлик субъектларидан муҳр талаб қилинишига оид талаб қандай тартибга солинган?
4.	БДМАБнинг асосий вазифаси нимадан иборат?
5.	Қоғоз шаклидаги имзо намуналари қўйилган варақча қайси ҳолларда талаб қилинмайди?
6.	Тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахс ҳисобварақ очиш учун қандай ҳужжатларни тақдим этади?
7.	Юридик шахс устав капиталини шакллантириш учун очиладиган 29801 ҳисобварағининг ҳуқуқий мақсади нима?
8.	Норезидент жисмоний шахсларга ҳисобварақ очишда банк қандай қўшимча ҳужжатларни талаб қилиши мумкин?
9.	Вояга етмаган шахслар билан боғлиқ банк ҳисобварақлари шартномасида қандай махсус талаб мавжуд?
10.	Банк ҳисобварағи бўйича операцияларни тўхтатиб туриш қайси асосларда амалга оширилади?
11.	Асосий ҳисобварақни бошқа банкка ўтказиш қандай амалга оширилади?
12.	Банк ҳисобварағини ёпишдан олдин банк қандай текширувларни амалга ошириши шарт?

13.	Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағини ёпишга қайси ҳолатда йўл қўйилмайди?
14.	Банкларда бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси нима учун асос бўлиб хизмат қилади ва унинг асосий вазифалари нималардан иборат?
15.	Банкларда кўп валютали бухгалтерия тизими қандай ташкил этилади ва Бош китоб ҳамда Ёрдамчи китоблар ўртасидаги боғлиқлик нимадан иборат?
16.	Бош китоб ҳисобварақлари қандай кодлаштирилади ва «10000» ҳамда «10100» ҳисобварақлари нимани англатади?
17.	Актив, пассив, контр-актив ва контр-пассив ҳисобварақларнинг фарқи нимада?
18.	Банкларда «Даромадлар» ва «Харажатлар» бўлимлари бўйича аналитик ҳисоб нима сабабдан алоҳида кўрсатилмаган ва уни юритиш тартиби қандай белгиланади?
19.	Нобанк кредит ташкилотларида бош бухгалтернинг асосий вазифалари нималардан иборат ва унга қандай чекловлар қўйилган?
20.	Кредит операцияларида фоизларни ҳисоблаш ва муддати ўтган қарздорликни қоплаш тартиби қандай амалга оширилади?
21.	Асосий воситаларни қайта баҳолаш қандай амалга оширилади ва қайта баҳолаш натижалари қайси ҳисобварақларда акс эттирилади?
22.	Нобанк кредит ташкилотларида чет эл валютасидаги операциялар қандай ҳисобга олинади ва курс фарқлари қаерда акс эттирилади?
23.	Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар қаторига киритилган ва Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига (МҲХС) асосан молиявий ҳисоботларни тузадиган Марказий банк назорати остидаги ташкилотларни санаб беринг?
24.	Бухгалтерия ҳужжатларида хатолар аниқланса, уларни қандай тартибда тузатиш мумкин?
25.	Кассир ва бош бухгалтер ўртасида кунлик касса операциялари бўйича қандай назорат амалга оширилади?
26.	Ломбард кредитининг гарови йўқолса ёки таъминотдан маҳрум бўлса, қандай бухгалтерия амаллари бажарилади?
27.	Асосий воситалар амортизацияси қачондан бошланади ва қандай усулларда ҳисобланади?
28.	Номоддий активларга қандай активлар киради ва улар қандай баҳоланади?
29.	Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар (КТБ) қандай мезонлар асосида аниқланади?
30.	Молиявий йил якунида даромад ва харажат ҳисобварақлари қандай ёпилади?
31.	Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш тартиби қандай ташкил этилади?
32.	Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағида маблағ етарли бўлмаганда асосий ҳисобварақ очган ва иккиламчи ҳисобварақлар очган банкларнинг ҳаракатлари қандай?
33.	Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун маблағ ажратишда банк нималарни назорат қилади?
34.	Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағи очилган банкда 2-сон картотека мавжуд бўлган ҳолларда тўловлар

	навбат қандай амалга оширилади?
35.	Депозит ва аккредитив ҳисобварақларидаги маблағлар асосий ҳисобварақда қарздорлик юзага келганда, қарздорликни қоплаш учун қачон йўналтирилади?
36.	Асосий ҳисобварақда 2-сон картотека мавжуд бўлса, янги депозит шартномалари тузиш (муддатини узайтириш) мумкинми?
37.	Иш ҳақи учун маблағларни банд қилишга доир ариза қачон банкка тақдим этилиши керак?
38.	Тижорат банкларининг ҳисоб сиёсати ким томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади?
39.	Банклар ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботларни қайси ҳужжатларга мувофиқ юритадилар?
40.	Ҳисоб сиёсатига ўзгартириш киритишга қайси ҳолларда йўл қўйилади?
41.	Банк молиявий ҳисоботларини ким тайёрлайди ва ким тасдиқлайди?
42.	Молиявий ҳисоботларнинг МҲҲС ва қонунчиликка мувофиқлиги учун ким жавобгар?
43.	Молиявий ҳисобот таркибига қайси асосий ҳисоботлар киради?
44.	Активлар деганда нимани тушунасиз?
45.	Мажбурият деганда нимани тушунасиз?
46.	Ҳисоблаш (ассруал) усулининг мазмуни нима?
47.	Баланс тенгламасини таърифини беринг?
48.	Пул оқимлари ҳисоботида қайси фаолиятлар акс этади?
49.	Молиявий ҳисобот фойдаланувчилари кимлар?
Молиявий оммабопликни ошириш департаменти	
1.	Ўзингиз ҳақингизда қисқача сўзлаб беринг: маълумотингиз, мутахассислигингиз, иш тажрибангиз ва бошқалар?
2.	Молиявий оммабоплик (финансиал инклузион) тушунчасини қандай изоҳлайсиз? Унинг иқтисодиёт ва аҳоли фаровонлиги учун аҳамияти нимада?
3.	Молиявий саводхонлик ва молиявий оммабоплик ўртасида қандай фарқ бор? Ушбу икки йўналиш бир-бири билан қандай боғлиқ?
4.	Ўзбекистонда аҳолининг қайси қатламлари молиявий хизматлардан етарлича фойдаланмаяпти деб ўйлайсиз? Нима учун?
5.	Марказий банкнинг молиявий оммабопликни оширишдаги роли нимадан иборат деб ҳисоблайсиз?
6.	Агар сизга аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича миллий дастур ишлаб чиқиш вазифаси берилса, қайси асосий йўналишларга эътибор қаратган бўлардингиз?
7.	Қишлоқ жойларда ёки чекка ҳудудларда молиявий хизматларга кириш имкониятини ошириш учун қандай амалий чораларни таклиф қилган бўлардингиз?

8.	Рақамли молиявий хизматлар (онлайн банкинг ва тўловлар, электрон ҳамёнлар) молиявий оммабопликка қандай таъсир қилади? Уларнинг хавфлари нималар?
9.	Аҳолини молиявий фирибгарликлардан ҳимоя қилиш учун қандай чоралар кўриш керак деб ўйлайсиз?
10.	Жамоатчиликка мураккаб молиявий тушунчаларни содда ва тушунарли тарзда етказиш учун қандай ёндашувлардан фойдаланган бўлардингиз?
11.	Халқаро ташкилотлар (Жаҳон банки, Молиявий оммабоплик альянси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ва бошқалар) молиявий оммабоплик соҳасида қандай роль ўйнайди? Улар билан ҳамкорлик қандай фойда келтиради?
12.	Молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш молиявий оммабоплик билан қандай боғлиқ?
13.	Эхсэл, ПоуэрПоинт, маълумотлар таҳлили ва ҳисобот тайёрлаш бўйича тажрибангиз ҳақида айтиб беринг
14.	Нега айнан ушбу департаментда ишлашни хоҳлайсиз ва қандай қиймат қўша оласиз?
15.	Молиявий оммабопликни оширишда асосий тўсиқлар нималар деб ҳисоблайсиз (иқтисодий, инфратузилмавий, ҳуқ-атворий, ҳуқуқий)?
16.	Аҳолининг молиявий ҳуқ-атворини ўзгартириш учун оддий ахборот кампанияси етарлими? Нима учун?
17.	Сизнингча, молиявий саводхонликни қайси ёшдан бошлаб ўқитиш керак ва қандай формат самарали бўлади?
18.	Агар аҳоли банкларга ишонмаса, ишончни тиклаш учун қандай чоралар кўриш мумкин?
19.	Микромолия ташкилотлари ва банкларнинг молиявий оммабопликни оширишдаги ролини қандай баҳолайсиз?
20.	Қандай қилиб молиявий саводхонлик дастурининг самарадорлигини ўлчаган бўлардингиз? Қайси КПИларни қўллар эдингиз?
21.	Сизга маълумотлар тўплами берилса, аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланишидаги асосий трендларни қандай аниқлардингиз?
22.	Молиявий истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш молиявий оммабоплик билан қандай боғлиқ?
23.	Сиз бирор давлат дастури ёки ижтимоий лойиҳада иштирок этганмисиз? У ердаги вазифангиз нимадан иборат бўлган?
24.	Турли манфаатдор томонлар (вазирликлар, банклар, халқаро ташкилотлар, таълим муассасалари) билан ҳамкорлик қилишда қандай ёндашув муҳим?
25.	Агар сиздан 5 дақиқа ичида раҳбарият учун қисқа таҳлилий маълумотнома тайёрлаш сўралса, маълумотни қандай форматда тақдим этардингиз?
26.	Молиявий оммабопликни оширишда рақамли технологиялар қай даражада имконият яратади?
27.	Аҳолининг молиявий қарорлар қабул қилишдаги энг кўп учрайдиган хатолари нималар деб ўйлайсиз?
28.	Молиявий саводхонлик бўйича оммавий ахборот кампаниясини қандай аудиторияларга сегментация қилган бўлардингиз?
29.	Норасмий қарз бозори (қарз олишнинг норасмий усуллари) нима учун сақланиб қолади ва уни қисқартириш учун қандай

	чоралар кўриш мумкин?
30.	Агар маълум бир банк ёки молиявий ташкилот аҳоли учун тушунарсиз ва мураккаб маҳсулотлар таклиф қилаётган бўлса, регулятор нуктаи назаридан қандай ёндашув бўлиши керак?
31.	Молиявий маҳсулотларнинг шаффофлиги нима учун муҳим ва уни қандай таъминлаш мумкин?
32.	Аҳолининг молиявий билим даражаси юқори бўлса ҳам, нега баъзан нотўғри қарорлар қабул қилиши мумкин?
33.	Қандай ҳолатларда молиявий оммабоплик ортиши аҳолининг ортиқча қарздорлигига олиб келиши мумкин?
34.	Иқтисодий инқироз ёки юқори инфляция даврида молиявий саводхонлик дастурларининг мазмуни қандай ўзгариши керак?
35.	Молиявий оммабоплик соҳасида маълумотларга асосланган қарор қабул қилиш (дата-дривен полисймакинг) нима учун муҳим?
36.	Сизнингча, келгуси 5 йилда молиявий оммабоплик соҳасида энг катта ўзгаришларни нима белгилайди?
37.	Агар молиявий саводхонлик бўйича дастур яхши қамровга эга бўлсада, натижалар сезилмаса, муаммони қаердан қидиравдигиз?
38.	Ёшларнинг молиявий саводхонлигини оширишда қайси жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш керак деб ўйлайсиз?
39.	Марказий банк молиявий оммабоплик соҳасида қайси маълумотларни мунтазам кузатиб бориши керак деб ҳисоблайсиз?
40.	FinTech компаниялар молиявий оммабопликни оширишда қандай роль ўйнаши мумкин?
41.	Ёши катта аҳолининг рақамли молиявий кўникмаларини ривожлантириш ва рақамли молиявий хизматлардан фойдаланишини ошириш учун қандай чоралар самарали деб ҳисоблайсиз?
42.	Агар маълумотлар шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида молиявий хизматлардан фойдаланиш бўйича катта тафовут борлигини кўрсатса, қандай чора-тадбирларини таклиф қилардигиз?
43.	Қандай қилиб молиявий хизматлар истеъмолчиларининг шикоятлари ва мурожаатларидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун фойдаланиш мумкин?
44.	Микро, кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун молиявий хизматлардан фойдаланишда қандай қийинчиликлар мавжуд деб ўйлайсиз?
45.	Халқаро тажрибани Ўзбекистон шароитига мослаштиришда нималарга эътибор бериш керак?
46.	Номзод сифатида, департамент фаолиятига биринчи 6 ой ичида қандай аниқ қиймат қўша оласиз?
47.	Молиявий оммабопликни оширишда хулқ-атвор иқтисодиёти (беҳавиорал эсономисс) ёндашувларини қандай қўллаш мумкин?
48.	Рақамли молиявий хизматлар кенгайиши аҳолининг қайси қатламларини четда қолдириши мумкин ва бу муаммони қандай ҳал қилиш мумкин?

49.	ФинТеч компаниялар анъанавий банкларга нисбатан молиявий оммабопликни оширишда қандай устунликларга эга? Қандай чекловлари бор?
50.	БНПЛ (насия савдо), онлайн кредитлар ва микроқарзлар молиявий оммабопликни оширишга ёрдам берадими ёки ортиқча қарздорлик хавфини кучайтирадими? Қандай мувозанат керак?
Нобанк кредит ташкилотларини назорат қилиш департаменти	
1.	Нобанк кредит ташкилотлари келтирилган қаторни топинг.
2.	Микромолия ташкилотларига қуйидаги қайси фаолият турлари билан шуғулланиш рухсат этилган?
3.	Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятига доир маблағларнинг манбаларига қуйидагиларнинг қайси бири киритилмайди?
4.	Жисмоний шахсларга (ўзини-ўзи банд қилган шахслар бундан мустасно) кўрсатиладиган микромолия хизматларининг энг юқори миқдори қанча?
5.	Ўзини-ўзи банд қилган шахсларга кўрсатиладиган микромолия хизматларининг энг юқори миқдори қанча?
6.	Микромолия ташкилотлари активлари сифати қандай тоифаларда таснифланади ва улар бўйича шакллантириладиган захира миқдори қанча?
7.	Микромолия ташкилотларига ликвидлилик қоплаш меъёрига қўйилган минимал талаб қандай?
8.	Нобанк кредит ташкилоти томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига (ўзини-ўзи банд қилган шахслар бундан мустасно) кредит ажратишда уларнинг қарз юки кўрсаткичини ҳисоблаш тартиби қандай?
9.	Микромолия ташкилотлари қандай пруденциал нормативларга риоя этади?
10.	Микромолия ташкилотлари қуйидаги қайси молиявий ресурслар манбаларидан фойдаланганда пруденциал нормативларга риоя этиши шарт?
11.	Микромолия ташкилоти активларининг баланс қиймати қайси чегарага етганда ички аудит хизматини ташкил этиш шарт?
12.	Юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) ва (ёки) қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар охириг икки йил давомида микромолия ташкилотига даромад келтирмаган тақдирда мазкур инвестициялар қандай таснифланади?
13.	Микромолия ташкилотининг устав фонди қайси маблағлар ҳисобига шакллантирилиши мумкин эмас?
14.	Микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид қандай хизматлар кўрсатилиши мумкин?
15.	Исломий молиялаштиришда «микромолия ташкилоти томонидан фойда олиш мақсадида мижознинг тижорат фаолиятига пул маблағларини ажратиш орқали мижозни молиялаштириш» қайси битимни англатади?
16.	Микромолия ташкилоти исломий молиялаштириш хизматларини кўрсатишни бошлашдан неча кун олдин Марказий банкни хабардор қилиши керак?
17.	Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти левераж коэффицентининг энг кичик даражаси неча фоиздан кам

	бўлмаслиги лозим?
18.	Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларида кейинги 30 кун ичидаги кирим кейинги 30 кундаги чиқимнинг 75 фоизидан ошган тақдирда, кирим сифатида чиқимнинг неча фоизи олинади?
19.	Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг фаолиятини тартибга солиш ва пруденциал нормативлар ҳисоб-китобини амалга ошириш мақсадида ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланадиган капитал нима деб аталади?
20.	Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларида активлар сифати бўйича нечта тоифаси мавжуд?
21.	Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти ҳақли эмас:
22.	Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти қуйидагиларга ҳақли?
23.	Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотида «субстандарт» активлар қандай таснифланади?
24.	Қуйидагиларнинг қайси бири кафолатлар бериш ташкилотларининг юқори ликвидли активлари ҳисобланмайди?
25.	Кафолатлар бериш ташкилотларининг бир кредит ташкилоти учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори ташкилот жами активларининг неча фоизидан ошмаслиги керак?
26.	Кафолатлар бериш ташкилотлари томонидан кредит ташкилотларига жойлаштирилган молиявий маблағларни (асосий қарз ва (ёки) фоизлар) қайтариш муддати қанча муддатга кечиктирилганда «қоникарсиз» сифатида таснифланади?
27.	Кафолатлар бериш ташкилотларининг активлари сифати қандай тоифаларда таснифланади ва улар бўйича шакллантириладиган захира миқдори қандай?
28.	Кафолатлар (кафилликлар) бериш бўйича фаолиятни профессионал асосда амалга ошириш деганда қуйидагилардан қайси бири назарда тутилади?
29.	Кафолатлар бериш ташкилотида «умидсиз» активлар қандай таснифланади?
30.	Факторинг ташкилоти қандай ташкилот ҳисобланади??
31.	Факторинг операциясининг асосий иштирокчилари (томонлари) кимлардан иборат?
32.	Факторинг ташкилоти қуйидаги фаолиятлардан қайси бирини амалга ошириши мумкин?
33.	Факторинг ташкилоти қуйидаги маблағларнинг қайси бири ҳисобидан фаолиятини молиялаштириши мумкин?
34.	Факторинг ташкилотлари учун белгиланган устав фондининг энг кам миқдори қанча?
35.	Кредит бюросининг асосий вазифаси нимадан иборат?
36.	Кредит ҳисоботи кимга тақдим этилиши мумкин?
37.	Кредит ахбороти субъекти қуйидаги ҳуқуқлардан қайси бирига эга?
38.	Кредит бюроси кредит ахборотини қанча муддат сақлаши шарт?
39.	Жисмоний шахс ўз номига унинг иштирокисиз кредит расмийлаштирилишининг олдини олиш учун нима қилиши мумкин?

40.	Кредит ахборотидан фойдаланишнинг асосий мақсади нима?
41.	Кредит бюрolari фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш ваколати қайси орган зиммасига юклатилган?
42.	Кредит бюроси кредит ҳисоботини сўров олинган кундан бошлаб кўпи билан қанча муддат ичида тақдим этиши керак?
43.	Кредит бюроси фаолиятини амалга ошириш учун қандай ҳужжат талаб этилади?
44.	Ломбардга тўғри таъриф келтирилган қаторни топинг:
45.	Ломбардлар учун белгиланган устав фондининг энг кам миқдори қанча?
Ижро аппарати	
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–117-сонли «Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қачон қабул қилинган?
2.	Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 12-сонли қарори қачон қабул қилинган?
3.	Электрон ҳужжат қандай ҳужжат?
4.	Электрон ҳужжат айланиши қатнашчилари кимлар?
5.	Давлат харидлари жараёни неччи қисмга бўлинади?
6.	Махсус ахборот портали нима?
7.	Давлат харидларини режалаштириш, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш, шартнома тузиш, давлат харидлари мониторинги ва назоратини ўтказиш жараёнлари қаерда тизимлаштирилади?
8.	Давлат харидларининг электрон тизими нима?
9.	Давлат харидларини режалаштириш қандай амалга оширилади?
10.	Давлат харидларининг йиллик режа-жадвали бюджет буюртмачилари томонидан махсус ахборот порталига қачон жойлаштирилади?
11.	Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турларини айтиб беринг?
12.	Марказлашган давлат харидлари ким томонидан белгиланади?
13.	Иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан қандай ҳолатда четлатирилади?
14.	Давлат харидини бекор қилиш тартиби қандай?
15.	Тендер таклифининг миқдорий кўрсаткичларини, шу жумладан нарх қисми қандай амалга оширилади?
16.	Энг яхши таклифларни танлаш мезони қайси ҳолатда тўғри кўрсатилган?
17.	Тендер ўтказиш мезони қайси ҳолатда тўғри кўрсатилган?
18.	Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион қайси ҳолатда қўлланилади?
19.	Комплекс экспертиза қилиш марказидан қайси ҳолатда хулоса олинади?

20.	Давлат харидлари жараёни неччи қисмга бўлинади?
21.	Махсус ахборот портали нима?
22.	Давлат харидларини режалаштириш, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш, шартнома тузиш, давлат харидлари мониторинги ва назоратини ўтказиш жараёнлари қаерда тизимлаштирилади?
23.	Давлат харидларининг электрон тизими нима?
24.	Давлат харидларини режалаштириш қандай амалга оширилади?
25.	Давлат харидларининг йиллик режа-жадвали бюджет буюртмачилари томонидан махсус ахборот порталига қачон жойлаштирилади?
26.	Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турларини айтиб беринг?
27.	Марказлашган давлат харидлари ким томонидан белгиланади?
28.	Иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан қандай ҳолатда четлатирилади?
29.	Давлат харидини бекор қилиш тартиби қандай?
30.	Тендер таклифининг миқдорий кўрсаткичларини, шу жумладан нарх қисми қандай амалга оширилади?
31.	Энг яхши таклифларни танлаш мезони қайси ҳолатда тўғри кўрсатилган?
32.	Тендер ўтказиш мезони қайси ҳолатда тўғри кўрсатилган?
33.	Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион қайси ҳолатда қўлланилади?
34.	Комплекс экспертиза қилиш марказидан қайси ҳолатда хулоса олинади?
35.	Стрессга чидамлилиқ ва инқирозни бошқариш тажрибаси. Тадбирда содир бўлган энг экстремал вазият ҳақида бизга хабар беринг. Айнан нима нотўғри кетди, қандай чоралар кўрдингиз ва якуний натижа қандай бўлди? (Биз сизнинг хотиржамликни сақлаш, тезкор муносабатда бўлиш, қатъий муддатларда инновацион эчимларни топиш ва масъулиятни ўз зиммангизга олиш қобилиятингизни баҳолаймиз.)
36.	Бюджетни бошқариш ва оптималлаштириш (молиявий саводхонлик). Тасаввур қилинг: йирик тадбирдан икки ҳафта олдин раҳбарият бюджетни 25% қисқартиради, лекин белгиланган сифат даражаси ва меҳмонларни жалб қилишни талаб қилади. Тежамкорликни қаерда биринчи ўринга қўясиз ва қайси харажатларни эътиборсиз қолдирасиз? Нега? (Биз сизнинг тадбир соҳаси устуворлиқларини тушунишингизни, пудратчилар билан музокаралар олиб бориш кўникмаларини ва лойиҳа контсепциясини сезиларли даражада бузмасдан харажатларни оптималлаштириш қобилиятини баҳолаймиз.)
37.	Самарадорликни баҳолаш ва бошқарув талабларини тушуниш. Тадбир муваффақиятли бўлганлигини қандай кўрсаткичлар ва мезонлар бўйича баҳолайсиз? (Биз нафақат ҳис-туйғулар билан эмас, балки рақамлар ва бизнес мақсадлари билан ишлаш қобилиятини баҳолаймиз. Яхши номзод тадбирнинг мобил иловаси учун махсус воситалар, этакчи сотиб олиш харажатлари ва таҳлилларни номлаши мумкин бўлади.)

38.	Жамоа ва пудратчи бошқаруви (Лидерлик маҳорати). Ўрнатишдан бир кун олдин асосий пудратчи (масалан, ёритиш ва овоз чиқариш бўйича техник директор) алоқани тўхтатади ёки ускунани ўз вақтида этказиб бера олмаслиги ҳақида хабар беради. Кейинги қадамларингиз қандай? (Биз захира пудратчи базаси мавжудлигини (Б режаси), инқирозни бошқариш кўникмаларини ва жамоа ичидаги вазифаларни топшириш қобилиятини баҳолаймиз.)
39.	Ижодкорлик ва тенденциялар (Маҳсулотни кўриш). Қайси яқинда бўлиб ўтган бозор воқеаси (сизники ёки бошқа бировники) сизни контсепция ёки технология нуқтаи назаридан ҳайратда қолдирди? Қандай замонавий тенденцияларни (масалан, сунъий интеллект, ўйинлаштириш, гибрид форматлар) иштирокчиларни ҳайратда қолдириш учун кейинги йирик тадбиримизга қўшасиз? (Биз сизнинг саноат тажрибангизни, замонавий рақамли воситалар билан ишлашингизни ва тенденцияларни бизнес эҳтиёжларингизга мослаш қобилиятини баҳолаймиз.)
40.	Хусусиятларни тушуниш. Сизнингча, мамлакатнинг асосий молиявий регуляторида тадбирларни бошқариш ва тижорат маркетинги ўртасидаги асосий фарқ нимада?
41.	Аудиторияни тушуниш. Қандай қилиб битта байрам (масалан, Янги йил) ёш ИТ-мутахассислар ва консерватив кекса ходимларнинг манфаатларини бирлаштириб, ҳамма бахтли бўлиши мумкин? (Биз ижодкорлик ва ҳамкасблар ва раҳбариятнинг қулайлиги учун қайгуриш даражасини баҳолаймиз.)
42.	Қурилиш объектларида ишлар сифати ва лойиҳа ечимларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида қандай назорат механизмлари қўлланилади?
43.	Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат назорати қайси ваколатли орган томонидан амалга оширилади?
44.	ШНҚ талабларига мувофиқ яширин ишлар қандай тартибда қабул қилинади?
45.	Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи қайси?
46.	Қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилишнинг асосий шартлари нималардан иборат?
47.	Нима учун қурилиш объектида бир вақтнинг ўзида давлат назорати, техник назорат ва муаллифлик назорати амалга оширилади?
48.	Муаллифлик назорати – деганда нимани тушинасиз?
49.	Бинонинг қурилиш хажми қандай ҳисобланади?
50.	Назорат ўлчови ўтказишда иштирок этиш учун кимлар жалб қилинади?
51.	Қурилишда яширин ишлар далолатномаси нима учун энг муҳим ҳужжатлардан бири ҳисобланади?
Халқаро ҳамкорлик депаратменти	
1.	Хорижий делегация ташрифини ташкил этишда протокол хизмати қандай асосий вазифаларни бажаради?
2.	Хорижий делегация келишидан олдин улардан қандай маълумотларни сўраш зарур?
3.	Учрашув даражаси ва қабул қилувчи томон иштирокчилари таркиби қандай белгиланади?

4.	Расмий ташриф дастурига қандай тадбирлар киритилиши керак?
5.	Расмий, ишчи ва норасмий ташрифлар ўртасидаги фарқ нимада?
6.	Икки томонлама учрашувда иштирокчиларни жойлаштиришда қандай протокол қоидаларига амал қилинади?
7.	Учрашув иштирокчилари рўйхати лавозимлари билан қандай расмийлаштирилади?
8.	Делегациянинг ташкилот биносига киришини таъминлаш учун қандай чоралар кўрилади?
9.	Халқаро учрашувлар учун иштирокчиларнинг исм-шарифи ёзилган табличкалар қандай тайёрланади?
10.	Учрашув якунлангандан сўнг қандай ишлар амалга оширилади?
11.	Халқаро молия институтлари нима ва улар жаҳон иқтисодиётида қандай роль ўйнайди?
12.	Халқаро валюта жамғармасининг асосий фаолияти нималардан иборат?
13.	Жаҳон банки қандай асосий вазифаларни бажаради?
14.	Халқаро молия корпорацияси Жаҳон банкidan нимаси билан фарқ қилади?
15.	Марказий банк ва халқаро молия институтлари ўртасида қандай ҳамкорлик йўналишлари бўлиши мумкин?
16.	Техник кўмак нима ва у халқаро молия институтлари томонидан қандай тақдим этилади?
17.	Халқаро молия институтлари аъзо мамлакатларга қандай молиялаштириш шакллари тақдим этади?
18.	Мамлакат учун Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг йиллик йиғилишларида иштирок этиш нима учун муҳим?
19.	Халқаро молия институтлари вакиллари билан икки томонлама учрашувларда одатда қандай масалалар муҳокама қилинади?
20.	Халқаро молия институтлари молия сектори ва банк тизимини ривожлантиришга қандай ёрдам бериши мумкин?
Инсон ресурсларини бошқариш департаменти	
1.	ХР стратегиясини ишлаб чиқишда энг муҳим омил нима?
2.	Ташкилий ривожлантириш (Организационал Девелопмент) жараёнининг асосий мақсади нима?
3.	Ички коммуникацияларда «шаффофлик» тушунчаси нимани англатади?
4.	Марказий банкда ходимлар унумдорлигини баҳолашнинг энг самарали усули қайси?
5.	«Чанге Манагемент» (Ўзгаришларни бошқариш) жараёнида ходимларнинг қаршилигини енгитиш учун нима қилиш керак?
6.	Ички коммуникацияларда «Феэдбаск» (тескари алоқа) механизмининг роли қандай?
7.	Гибрид иш тартибида ички коммуникацияни самарали ташкил қилишнинг қандай усуллари бор?
8.	ХР брендинг (Эмплоер Брандинг) нимага хизмат қилади?
9.	Ходимларнинг «Энгагемент» (садоқат) даражасини қандай белгилаш мумкин?
10.	Стратегик ХР режалаштиришда маълумотларнинг (дата) ўрни қандай?

11.	Иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қонуний асослари ва тартиби қандай?
12.	Амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ, ҳар йилги асосий меҳнат таътилини бериш, ҳисоблаш ва расмийлаштиришнинг мажбурий талаблари нималардан иборат?
13.	Ходимнинг ҳар йилги меҳнат таътили даври вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик (касаллик варақаси) даврига тўғри келиб қолганда, таътил кунларини узайтириш ёки кўчириш тартиби қандай амалга оширилади?
14.	Ташкилот штат жадвалидаги бир дона (1,0) штат бирлигига бир вақтнинг ўзида икки нафар ходимни ишга қабул қилиш ёки тақсимлашнинг ҳуқуқий механизмлари қандай?
15.	Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида ички адолатнинг асосий принципи нима?
16.	Раҳбарият учун таҳлилий ҳисобот тайёрлашда компенсация ва имтиёзлар бўйича мутахассис учун қайси кўникма энг муҳим ҳисобланади?
17.	ҲРИС тизимида Перформансэ Манагемент бўйича йиллик циклни ишга туширишдан олдин нима қилиш зарур?
18.	Грейд ва лавозим ўртасидаги фарқ нимада?
19.	Меҳнатга ҳақ тўлаш фондини режалаштиришда қайси кўрсаткичлар энг муҳим ҳисобланади?
20.	Самарадорликни баҳолаш натижаларини калибрлаш нимани аниглади?
Умумий шаклда берилиши мумкин бўлган саволар	
1.	Ўзингизнинг ижобий ва салбий томонларингизни айтиб беринг.
2.	Марказий банкка ҳамда унинг ходимларига тақиқланган фаолият тури нималардан иборат?
3.	Келгуси режаларингиз тўғрисида айтиб беринг
4.	Банк деганда нимани тушунаси?
5.	Марказий банкнинг асосий мақсадлари нималардан иборат?
6.	Иқтисодиётда банк тизимининг ўрни нималардан иборат?
7.	Банкларга қандай фаолият турлари билан шуғулланиш тақиқланган?
8.	Банклар ташкилий тузилишига кўра қандай турларга бўлинади?
9.	Университетда қандай мавзуда диплом иши ёзгансиз ва мавзуйингиз юзасидан қандай таклифлар ишлаб чиққансиз?
10.	Шу кунга қадар қайси банкларда амалиёт ўтагансиз ва нималарга эришгансиз?
11.	Нима учун айнан Марказий банкда ишламоқчисиз?
12.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Марказий банкка қандай тариф берилган?
13.	Нега айнан шу департаментни танладингиз. Сиз танлаган департамент фаолияти билан танишиб чиқдингизми ва бу бўйича нималарни биласиз?
14.	Жамоавий ишлаш тажрибангиз борми ва бунга муносабатингиз?

15.	Шу йил давомида қандай бадиий китоблар ёки илмий маколалар ўқидингиз?
16.	Университетда таълим олган даврингизда қандай танловлар, конференция ва анжуманларда иштирок этгансиз ва қандай натижаларга эришгансиз?
17.	Келгусида магистратурада ўқишингизни давом эттириш ниятингиз борми?
18.	Ноқулай иш режими ҳолатларда ўзингизни қандай тутасиз?
19.	Марказий банк қадриятлари билан таништингизми, агар танишмаган бўлсангиз улар қандай бўлиши мумкин?
20.	Марказий банкнинг ташкилий тузилмаси, бошқаруви бўйича қандай маълумотларга эгасиз?